Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 12 октябрь, сешанба № 186—187 (21.538). Сотувда эркин нархда.

9 ОКТЯБРЬ КУНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ботир Маҳмудов Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди. «Ўзсувқурилиш» концерни раиси бўлиб ишлаб келган Ғулом Ҳасанов Сирдарё вилояти ҳокими этиб сайланди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

— Сирдарё меҳнаткашларининг бағри унинг бепоён замини каби кенг, очиқ ва саховатлидир,— деди Президент нутқида. — Бу ерда ҳар бир мисқол ҳосил нақадар катта ва мустаҳкам ирода, ақл ва идрок, сабот ва матонат эвазига етиштирилишини яхши биламиз.

Афсуски, кейинги пайтларда вилоятда ижтимоий-иқтисодий масалаларга раҳбарлик бўшаштириб юборилди. Бу эса вазиятнинг мураккаблашувига, маънавий-руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлди. Вилоятдаги ижтимоий аҳвол, ишни ташкил қилиш, муҳим вазифаларни ҳал этиш йўлида халқни, меҳнаткашларни бирлаштириш, уларни бошқариш масалалари текширилди. Ноиблар, раҳбарлар, ишчи ва деҳқонлар, фахрийлар — хуллас, юрт жонкуярларининг хулосаси шу бўлдики, вилоятдаги бугунги аҳвол қониқарли эмас.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 90,5 фоизга бажарилгани, мавжуд 5 та қўшма корхонадан фақат 2 таси ишлаётгани, 493 кичик корхонадан 52 таси, 47 ширкатдан 12 тасидагина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётгани шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Раҳбарнинг бугунги кундаги вазифаси — одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, эл-юртнинг бугуни ва эртаси учун қайғуришдир, деб таъкидлади Президент. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш режасининг атиги 50 фоиздан зиёдроқ қилиб бажарилганини, кўпгина туманларда эса марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бор-йўғи 20—50 фоизни ташкил этишини қандай баҳолаш мумкин?

Мен кўп йиллардан бери республикада пахта етиштириш суръатларини кузатиб келаман. Сирдарё вилояти ҳеч қачон пахта тайёрлаш ва сотишда бу йилгидек аҳволга тушмаган, орқада қолмаган эди. Нима бўляпти ўзи? Бир вақтлар Сирдарё вилояти деҳқонлари, миришкорлари ҳаммага ўрнак эди-ку!

Сўнг Президент И. Каримов бу ҳолнинг сабабларини таҳлил қилиб берди. Вилоят меҳнаткашларининг раҳбарларга бўлган ишончи йўқолганини, кадрларни танлашда, аҳолини энг зарур маҳсулотлар билан таъминлашда, ижтимоий муҳофаза соҳасида, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўпол хатоларга йўл қўйилганини, бу эса одамларнинг кайфиятига ёмон таъсир этганини таассуф билан таъкидлади.

Қаерда вилоят ҳокими жамоат ташкилотлари, эл-юрт ҳурматига сазовор фаоллар билан бамаслаҳат иш тутмаса, ўша ерда аҳиллик бўлмайди, иш ҳам юришмайди. Сирдарё вилоятида айнан ана шу масалаларда нуқсонларга йўл қўйилган.

Бу хато ва камчиликлар шуни кўрсатадики, вилоят ҳокими раҳбарликни, талабчанликни мутлақо бўшаштириб юборган. Биринчи раҳбарликни зиммага олган шахсга кўп ваколат берилади, лекин унинг масъулияти ҳам каттадир, деди Ислом Каримов. Заиф, ўзинингг соясидан қўрқадиган раҳбарлар шуни билсинки, уларнинг замони ўтди. Шунинг учун ҳам мендан давлат раҳбари сифатида энг катта, эзгу ниятинг нима, деб сўралса, яратганга минг шукрона айтиб, эл-юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг ризқ-насибасини сўрардим. Ҳар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзандларимизнинг бахтини илтижо қилардим. Мана шу мақсадга етиш учун нима керак дейилса, аввало эл-юртимизга инсофли, диёнатли, виждонли ва билимдон раҳбарлар, эл-юрт обрўси, Ватанимиз манфаати учун жонини тиккан, камарбаста фидойилар керак, дер эдим.

Шундан сўнг республика Президенти вилоят меҳнаткашлари олдида турган улкан вазифалар хусусида тўхталди. Янги сайланган вилоят ҳокимига, ноибларга уларни бажариш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди, қўлни-қўлга бериб, аҳиллик билан ишлашларини тилади.

— Сизнинг бугунги аниқравшан нутқингиз бизга кўтаринки руҳ бахш этади, бизни самарали меҳнатга илҳомлантиради—деди вилоят фаоллари номидан сўзга чиққан Боёвут туманидаги «Боёвут» давлат хўжалиги бўлим бошлиғи, кекса пахтакор Музаффар ота Сафаров.— Биз мавжуд камчиликларни бартараф этишда, вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиламиз, вилоят ҳокимлигига ҳар биримиз қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз.

Вилоят кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов ҳамда республика вазирликлари, ташкилотлари ва маъмурий органлари раҳбарлари иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Олот тумани меҳнаткашлари мустақил Ўзбекистон Республикаси равнақи йўлида, унинг иқтисодий ва ижтимоий юксалишига муносиб ҳисса қўшишга интилиб, туманимиз ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан йўллаган табригингиздан руҳланиб, 1993 хўжалик йилида юқори пахта ҳосили етиштирдилар. Ватан хирмонига 29 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериб, 31 иш кунида режа уддаланди.

Далаларда ҳали ҳосил мўл, меҳнаткашларимиз давлатга яна 5 минг тонна пахта сотиш ниятида ишни давом эттиряптилар.

Сизнинг ташқи ва ички сиёсатингизни қўллаб-қувватлаб, Ватанимиз тинчлиги ва равнақи йўлида Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик ҳамда давлатимиз тараққиёти борасидаги фаолиятингизда омад тилаймиз.

Олот тумани меҳнаткашлари.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ОЛОТ ТУМАНИ КОЛХОЗЧИЛАРИГА СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, САНОАТ ХОДИМЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар, биродарлар!

Сизларни улкан меҳнат зафарингиз — эл хирмонига 29 минг тоннадан зиёд сифатли «оқ олтин» топшириб, йиллик режани республикада биринчи бўлиб бажарганингиз муносабати билан чин дилдан табриклайман.

Эришилган бу катта муваффақиятда тумандаги қадоқ қўлли, заҳматкаш деҳқонларнинг, моҳир сувчи ва механизаторларнинг, барча меҳнат аҳлининг ҳиссаси катта. Сизларнинг ишга масъулиятингиз, омилкорлигингиз ва фидойилигингиз туфайли зўр меҳнат ва машаққат билан етиштирилган ҳосил қисқа муддатларда йиғиштириб олинди.

Туман меҳнаткашларининг бу улкан ютуғи она Ватанимиз равнақи йўлида, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида салмоқли қадам экани шубҳасиздир.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахт-саодат, хирмонингизга барака тилайман, сизларга омад ҳамиша ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 11 октябрь.

УЛУҒ ТЎЙ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик юбилейини ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унга республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев бошқарди.

ТАРАДДУДИ

Йиғилишда А. Қодирийнинг ҳовли-музейи таркибига кирувчи иншоотларни лойиҳаштириш, таъмирлаш, қайта тиклаш, адиб номи билан аталадиган боғни ободонлаштириш ва у ерда ёзувчига ёдгорлик ўрнатиш, «Ўтган кунлар» асари асосида кўп қисмли бадиий фильм яратилишининг бориши, ёзувчи асарларининг юбилей нашрлари ва етти жилдлик академик нашрини чиқариш борасидаги масалалар муҳокама қилинди. Мазкур масалалар юзасидан ахборотлар тингланди.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган, қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилсин:

Лотинча Ҳарфлар			Кириллча Ҳарфлар	Лотинча Ҳарфлар			Кириллча Ҳарфлар
Босма	Ёзма	Талафф.		Босма	Ёзма	Талафф.	
A a	*A a*	a	А а	R r	*R r*	re	Р р
B b	*B b*	be	Б б	S s	*S s*	es	С с
C c	*C c*	ce	Ц ц	T t	*T t*	te	Т т
D d	*D d*	de	Д д	U u	*U u*	u	У у
E e	*E e*	e	Э э	V v	*V v*	ve	В в
F f	*F f*	ef	Ф ф	X x	*X x*	xa	Х х
G g	*G g*	ge	Г г	Y y	*Y y*	ye	Й й
H h	*H h*	he	Ҳ ҳ	Z z	*Z z*	ze	З з
I i	*I i*	i	И и				
J j	*J j*	je (Jōra)	Ж ж (Жўра)	Ç ç	*Ç ç*	çe	Ч ч
K k	*K k*	ka	К к	Ğ ğ	*Ğ ğ*	ğa	Ғ ғ
L l	*L l*	el	Л л	J j	*J j*	je (aj̈dod)	Ж ж (аждод)
M m	*M m*	em	М м	Ñ ñ	*Ñ ñ*	ñe	Нг нг
N n	*N n*	en	Н н	Ō ō	*Ō ō*	ō (ōrdak)	Ў ў (ўрдак)
O o	*O o*	o (ota)	О о (ота)	Ş ş	*Ş ş*	şe	Ш ш
P p	*P p*	pe	П п	(ʻ) - тутуқ белгиси (апостроф)			
Q q	*Q q*	qa	Қ қ				

2-модда. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

«ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилиңган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Янги алифбога босқичма-босқич ўтилиб, бу иш 2000 йил 1 сентябрига қадар тўлиқ тугаллансин.

3. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича республика давлат комиссияси ташкил этилсин (таркиби илова қилинади).

Республика давлат комиссияси:

уч ойлик муддат ичида мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларида янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартибини ишлаб чиқсин ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсин;

1993—1994 йиллар давомида ўзбек орфографиясининг янги қоидаларини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этсин;

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Кенгашнинг ушбу Қарорини рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг республика ҳамда маҳаллий органларига услубият ва ахборот бобида мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб борсин;

республика ва маҳаллий бошқарув органларининг янги алифбони жорий этиш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам тинглаб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартиби асосида:

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалда жорий этишга доир аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1995 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказишни, қолган синфларида эса факультатив машғулотлар ташкил этишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1995 йил 1 августга қадар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керакли дарсликлар ва бошқа қўлланмалар нашр этилишини таъминласин.

6. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари республика давлат комиссияси билан келишган ҳолда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини босқичма-босқич жорий этишга доир дастурни амалга ошириш бўйича комиссиялар тузсинлар.

7. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмаларининг республика органлари, шу жумладан тасарруфларидаги корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ҳам ходимларга янги алифбони ўргатишни ташкил этиш ҳамда бунинг учун керакли дарсликлар, уқув қўлланмалари ва техника воситалари билан таъминлаш юзасидан махсус ишчи гуруҳлари тузсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, янги алифбони жорий этишга доир барча ҳаражатлар мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1994 йилги ҳамда ундан кейинги йилларга мўлжалланган давлат бюджетини шакллантириш чоғида янги алифбони жорий этиш мақсадида зарур бўладиган маблағларни бюджетдаги ташкилотлар учун — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига ажратилишини назарда тутсин;

1993—1995 йиллар давомида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг ҳамда корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ўқув юртларида янги алифбони факультатив тарзда ўрганишни ташкил этишнинг биринчи галдаги масалаларини ҳал этсин;

ушбу Қарор бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини мунтазам хабардор қилиб турсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларини «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

10. Янги алифбога тўлиқ ўтилган пайтдан, яъни 2000 йилнинг 1 сентябридан эътиборан 1940 йил 8 майда қабул қилинган «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1940 йил, № 4) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь.

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Қорабоев М. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Комиссия раиси.

Абдуллаев Ж. А. — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири — Комиссия раисининг ўринбосари.

Йўлдошев Ж. Ғ. — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири — Комиссия раисининг ўринбосари.

Юсупова Б. А. — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари — Комиссия раисининг ўринбосари.

Ғайбуллаев С. Ф. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг катта эксперти — Комиссия котиби.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

Абдуллаев М. У. — Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Алламуродов Б. А. — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси.

Боқиева М. О. — Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Дадажонова Д. Д.—Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Ёқубов О. Э. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитасининг раиси.

Жабборов А. Ж. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлимининг шўъба мудири.

Жалилов А. Т. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Фан ва экология масалалари қўмитасининг раиси.

Жалилов Ш. И. — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари.

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби.

Жуманиёзов М. Ж. — Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Жўрабоев А. Ж. —«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири.

Мардиев А. — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири.

Матчонов О. (Омон Матжон) — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти.

Мирзаев Т. М. — Ўзбекистон Республикаси ФА Адабиёт институтининг директори.

Мустафоев Б. М. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

Муҳитдинов Н. А. — Ўзбекистон Республикаси «Ёдгорлик» жамиятининг раиси.

Орзиматов А. С. — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби.

Раҳимов Б. Р. — Ўзбекистон Республикаси Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.

Сандов Н. Ш. — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Салоҳиддинов М. С. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Президенти.

Субҳонова Г. С. — Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Тўйчиев Қ. Т.—Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Фахриддинов Ҳ. Б. — Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Халилов А. В. — Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Худойбердиева Ҳ. У. — Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, «Саодат» журналининг бош муҳаррири.

Шодиметов Ю. Ш. —Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлимининг мудири.

Шоғуломов Р. Ш. — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси.

Эрбеков И. И. — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниясининг раиси.

Қодиров П. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Маданият ва маданий меросни асраш масалалари қўмитасининг раиси.

Қурбонов Т. Қ. — Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Қўчқортоев И. Қ. — Республика «Ўзбек тили» жамиятининг раиси, ТошДУ филология факультетининг декани.

Ҳайитбоев Э. Қ. — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири.

Ҳамидов Ҳ. Ҳ. — Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Ҳожиев А. П. — Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институтининг директори.

• ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ

ВАЛИЕВНИНГ ГУЛШАНИ

• ОЧЕРК •

ХАР ҚАДАМДА мен шоиртабиат одамларга дуч келаман. Бундай учрашувлар кутилмаганда рўй беради. «Кутилмаганда» дейишимнинг маъноси шуки, фақат оддий, камсуқум, камхарж одамлар эмас, кўринишда дамига зоғора пишадиганлар ҳам шоирликка, ижодкорликка моилликларини билдириб қўйишлари мени ажаблантиради.

Амалдор бир оғайнимиз бор. Хизмат машинасини йил ошмай янгилаб туради. Кабинет—шоҳона. Фармонбардорликдан худо берган. Лекин, тўғриси, кўнгли ёзилиб гурунг бериб қолганда нуқул шеърғазал ўқийди. Ҳазрат Навоийнинг «Сабъаи сайёр»идан боблар қироат қилиб бошлагандан сўнг.. Ана кейин айтади, ҳай, аттанг, журналистикага кириш имтиҳонидан йиқилганман. Йиқилмаганимда, жилла бўлмаса кўнглимдаги гапларимни ёзиш насиб қиларди. Аввали шоир бўлиб кетармидим. Ҳозирги ишим... — у қўл силтайди. Яна шеър ўқий бошлайди. «Дўстим, шоирликни қилмагин ҳавас....»

Айниқса денг, дарвешона танишимнинг бир гапи мени ҳайратга солган.

— Сурхондарё бундан буён ҳам тандир кабобию ипак пахтаси билан мақтаниб юраверармикан, — деб қолди у бир кун.

— Дорилфунуни бор. Полвонлари, шоир-бахшилари, бағри кенг одамлари бор. Саноат ўсаяпти. Йилловлари текисланиб пахта экилаяпти. Хуллас, ўзгариш кўп, — дейман унга жавобан.

— Хуллас, — дейди у ҳам аллақандай киноя оҳангида, — аҳолимиз нечов?

— Бир ярим миллион...

— Композиторларимиз-чи?

Мен бирпас ўйланиб қолдим. Менинг сукутимга унинг сабри чидамади.

— Йўқ. Отига йўқ. Мундайроқ бўлса ҳам йўқ,— дейди. — Кўплар одамнинг кимлигини унинг ўқиган китобига қараб ё дўстига қараб баҳолашади. Мен одамни унинг мусиқани тушунишига, қадрлашига қараб баҳолаган бўлардим. Мусиқа нима? — Одамзотнинг болалиги. Болалик нима? Одамнинг Яратганнинг измидан чиқмаган даври. Сабр-тоқатни, қаноатни катталар болалардан ўрганишлари керак. Ана шунда улар бир-бирларига меҳрибон бўладилар. Бизда-чи? Қаранг, композиторимиз йўғ-а. Биламан, шоирларимиз кўп. Тошкентларда ишлашади. Биров-ярми келиб қолса, у билан бўладиган учрашувга қора кўпайиб турсин, — дебми, мактабнинг болаларини ўтиргизиб қўямиз. Айтмоқчи, Менгзиё Сафаров деган ёзувчимиз ҳозир нима иш қилаяпти?, — деб ташвишланиброқ сўраб қолди у.

— Уч-тўрт йилдан буён бетоб. Ҳозир пенсияга чиққандир. Досрочний, — дейман.

— Эҳ, қаранг. Биров-ярим ҳолидан хабарлашиб турар-да.

— Биров-ярим деганингиз ким?— деб сўрайман.

— Ким бўларди, раҳбарлар...

Бу гал энди мен киноялиқ қилиб куламан. Қўл силтайман. У бирпас менга термулиб қолади. Сўнг тутоқиб кетади.

— Шунинг учун ҳам биздан композитор чиқмайди-да, — дейди у. — Хайриятки, тўйлар бор. Тўйларда отарчилик қилиш бор. Агар шу бўлмаганда биз томонларда одамлар қўшиқ айтишни ҳам унутиб юборишарди. Сафаров — Сурхондарёнинг кўзга суртган ёзувчиси. Қиссаларини ўқисам, Моцартни тинглагандай бўламан. Шундай одам....

У анча вақт жим қолди. Мен гап қўзғадим.

— Моцартни фарқлай оласизми? — деб сўрадим. У саволимни тушунмади. Саволни соддалаштирдим. — Масалан, мусиқаларини эшитсангиз, Моцарт билан Штраусни фарқлай оласизми? — дедим.

— Йўқ, — деди у жиддий. — «Амадей» деган кино бор. Американики. Моцарт ва Сальери ҳақида. Мусиқанинг нималигини ўшанда англаганман. Дунёнинг ҳам... Йиғлаганман. Юнус Ражабийни тингласам ҳам шу ҳолатга тушаман. Хуллас, Моцарт билан Ражабийни фарқлай оламан.

Шундай деди-да у кулди. Нимага кулганини англаб мен ҳам кулдим. У яна жиддий тортди. Мусиқани англамасдан туриб дунёни англаб бўлмайди, деди. Яна айтдики, дунёни муштаккина қалбига сиғдиришга қодир одамзот дунёнинг ишлари билан апоқ-чапоқлашолмай қолади. Эзгулик бор жойда ҳаёт қўшиқнинг қиёфасига кириб яшайди. Мисол учун, дарахтнинг барги—қўшиқ. Дарахтнинг тепасида қип-қизариб пишиб турган яккаю-ягона олма—қўшиқ... Биласизми, олма кўзига олма эмас, қўшиқ бўлиб кўринса, бу — яхши одам... Шундай одам...

— Шоир бўлади, — дейман мен унинг гапини бўлиб.

— Йўқ, шоир эмас, композитор бўлади. Шоирлик композиторликнинг бўсағасида турган касб. Шоирлик бастакорликнинг ғариброқ, дағалроқ кўриниши. Шоирлик...

МУНОЗАРА ШУ ЕРГА етганда хаёлимда ўзим яқинда гувоҳ бўлган бир лавҳа жонланди.

Қумқўрғонда Хушбоқ Валиев деган одам бор. Ҳаммадан фазилат ахтарган, бировнинг номини зинҳор қора қилиб гапирмайдиган одам. Олтмишинчи йилларнинг бошларида йирик иншоот—Жанубий Сурхон сув омбори қурилиши бошланди. Қурилиш бошқармаси очилди. Хушбоқ ака бошқармага уста ёрдамчиси бўлиб ишга кирди. Бошқарма узунлиги 70 километрли Шеробод машина каналини қурди. Шеробод даштидан 100 минг гектарча ер очди.

Ер очишнинг нималигини энди Хушбоқ ака гапирсин-да. Машина радиаторининг сувидан неча бор чанқоқ бостирганларини, қиш пайти изғириндан пана деб билиб лотокнинг ичида ухлаб қолганда сув келиб қолиб уст-бошлари шалаббо ҳўл бўлганини, хизмат кўрсатган ширилган бетон буюмлари ҳақида, техникумни коллежга айлантиражаклари ҳақида жўшиб-жўшиб сўзлайди. Бир гал айтди, кеча ўқишга қабул қилиш маросимини якунладик. Ҳеч кимга айтмагину, мен ўзим ўн олти кишини ўқишга киритдим, деди.

— Директор бўлганингиздан сўнг...

— Ўн олтитаси ҳам... сағир ўсган қизлар экан. Шошилмасдан ўргандим. Паноҳимга тортдим. Директор бўлганимдан сўнг... — деди.

Иккаламиз ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулишдик.

Йўлимиз тушиб бир куни Валиев билан техникумнинг ўқув-тажриба хўжалигига бордик.

Хўжалик Сурхон сув омборининг Чаёнтепа деб аталмиш шарқий қирғоғида жойлашган. Сув омборининг сатҳидан 120 метр баландликда. 76 гектар. Ўттиз беш хил дарахт ўстириляпти. Бу йилги натижани эшитинг. 80 тонна буғдой етиштирдилар. 30 тоннаси жамоа аъзоларига арзон нархлар билан сотилди. Ғалланинг жойига мош, ерёнғоқ экилган. Сабзавот, полиз, узум, э-ҳе, пишиқчиликка нима етсин, денг.

Муродов Яхшибой деган деҳқон баланд ўсган теракнинг соясига тўшамчи ташлаб, амири қовун сўйди. Хушбоқ ака ўн дақиқагача қовуннинг турларини санаб мақтади. Сўнг, бу йил хўжаликдан 12 миллион сўм даромад оламиз. Ҳаммасини техникумни, ободонлаштиришга, талабаларнинг манфаатига ишлатамиз. Шу 76 гектарнинг шарофати билан техникумни институтга айлантириб юборсак бўлар, — деди.

Пайкалларни айландик. Бу ердаги зироатларни айтиб ўтмасак ҳам бўлар. Лекин Чаёнтепани обод қилаётганлар ҳақида гапириб ўтмоқ...

Тажриба хўжалигининг бошлиғи Жаббор Чориев деган одам. Чориев кўп йиллар район партия ташкилотларига раҳбарлик қилган. Сурхондарёнинг катта-кичиги танийди. Олтмиш бешга кирибдики, ҳозир ҳам кунига 10 соат мутолаа қилади. Мухбирларга рўйхўшлиги бўлмаса ҳам, ҳамон ўн-ўн бешта газетага обунаси бор.

Пайкалда Чориев директорга маслаҳат солди. Бир мутахассисни топдим. Хўп десангиз, у хўжалигимизда қуён боқсин, нутрия боқсин. Иккала ҳайвоннинг терисини ошлайдиган, теридан телпак тикадиган цехлар очамиз. Бу ишлардан, миллиард оламиз, — деди.

— Қуённинг гўшти-чи? — деб сўраб қолди кимдир.

— Битта она қуён бир йилда икки тонна гўшт беради, — деди Чориев иссиқдан қақраган лабларини ялаб.

— Йўғ-а...

— Ҳа. Бир йилда қорамол икки юз кило, қўй қирқ кило, товуқ икки юз кило гўшт беради. Бир қуёндан бўлса икки тонна гўшт оласиз.

Биз баҳаво жойда якка ўсган чинорнинг соясида лойсувоқ қилиб қўйилган супага бориб тўхтадик. Бизни кўрган икки деҳқон ҳар қайсиси биттадан тарвуз қўлтиқлаб даладан супага чиқиб келишди.

— Мана бу киши — Эргаш бобо, — деди Жаббор ака, латта этик кийган, қўйлагини шимининг ичига солиб камарини маҳкам ўтказиб олган, ёши олтмишдан ошгани сезилиб турган бўлса-да, юриш-туриши тош кўтарадиган полвонларни эслатадиган одамни кўрсатиб. — Қирқ йил шофёр бўлиб ишлаган денг. Шахматни жонидан яхши кўради. Каспаров билан бир қўл ўйнамадим-да, деб армон қилади. Бир гал беш кеча-кундуз мижжа қоқмай шахмат сурганлардан. Мана, ўзи айтсин.

ЭРГАШ БОБО мийиғида кулади. Бир одам машинадан термос олиб келиб, иссиқ чой қуяди. Тарвузни сўяди.

— Ҳозир ҳам Эргаш бобо икки кеча-кундуз туз тотмай кетмон ура олади, — деди Жаббор ака энди сал ошириб гапираётганини билдириб қўйиш учун жилмайиб. — Ана шундай аломат одамларимиз бор. Бу одам қадам қўйган даланинг зироати сувсамайди. Бегона ўт босмайди. Касалга чалинмайди. Мана, ерёнғоғини кўринг. Ерёнғоқ бу — тайёр қандолат. Қувватлилигини айтинг. Гўштда 300 озуқа бирлиги бор. Ерёнғоқники — 500! Хушъамлилигини, бузилмаслигини айтинг. Биз қадрига етмаймиз ерёнғоқнинг.

— Тайёр сникерс-да, — дейди Эргаш бобо.

— О, дунё бохабар одам бу Эргаш бобо. Ҳатто сникерснинг нималигини билади. Майкл Жексоннинг қўшиқларига қизиқишини айтинг.

Шу пайт мотоцикл тириллади. «Монтана» камзулидаги ўн ёшларча қизни миндириб олган йигит мотоциклдан тушди. Ўзини таништирди: Ҳасанов Эшқувват. Олим—агроном. Деновдан қатнаб ишлайди. Уч гектар ерга хурмо эккан.

— Хурмо неча туп, — деб сўрайман Эшқуватдан.

— Икки мингта.

— Бир тупдан ўртача қанча ҳосил чиқади.

Бултур Сариосиёда бир тупдан 600 кило мева уздик.

— Нархи-чи!

— Нархи... Биласиз-ку, ака, таннархларнинг ўзгариб бораётганини. Энди солиштириб гапирадиган бўлсак, ҳурмо ҳамишаям бир шиша ароқнинг пули бўлиб келган — деб кулди Эшқувват.

— Бу — Сурхондарёда. Чеккароққа чиқариб сотса, бир коньякнинг пули бўлар, — деди Жаббор ака. Бу гапга ҳамма кулиб юборди.

Сўнг яна нималарнидир хомчўт қилиб, Эшқувватнинг хурмозори яна беш йилдан сўнг йилига икки юз миллион сўм даромад бериши мумкинлигини билиб олдик.

— О, сенинг расчётларинг бизникидан ҳам пухта-ку, — деди Жаббор ака Эшқувватнинг елкасига қўлини ташлаб.

— Шунинг учун айтаяпман-да директор бобога, хурмонинг бир йилгигини менга берасиз. Сизга бошқа даъвом ҳам, таъмам ҳам йўқ, деб, — дейди Эшқувват.

— Жигитнинг иштаҳалари чакки эмас, — дейди Жаббор ака бир директорга бир Эшқувватга қараб.

— Бунақа расчётлар ҳақида мухбир кетганидан сўнг кенгашиб олиш маъқул, — деди Эргаш бобо.

Бу арифметик мушоиradан ҳаммамиз хурсанд бўлиб ўрнимиздан турдик.

Қайтаётиб Хушбоқ Валиев дарахтнинг тепасида ялтиллаб пишиб турган яккаю ягона олмага термулиб қолди. Дарахтни айланиб, завқи тошиб олмага аллақандай таърифлар бериб термилди. Жаббор ака Валиевга ишора қилди. Валиев ҳозир олма ҳақида мусиқа ёзаяпти деди. Умуман, композитор энг яхши одамдан чиқади. Кўнглида ғурури йўқ одам композитор тугул шоир ҳам бўлолмайди, деди.

— Яхши одамларнинг ҳаммаси — композитор. Ўзича-да, энди, — дейман мен.

— Бу гапингиз ҳам тўғри, — деди Жаббор ака ниманидир кашф қилгандай вақти хуш бўлиб. — Лекин Валиев композитор бўлганда, довруғи оламга кетарди. Чунки ҳар бир нарсадан таъсирланиб, симфония ярата оладиган қудрати бор-да, бу одамнинг. Қаранг, бир дарахтга, бир олмага маҳлиёлигини. Дунёга маҳлиёлигини... Яратган бандасини шу ёруғ дунёга маҳлиё бўлиб яшашдан айирмасин, оғам.

...Дарвешсифат дўстимнинг мен юқорида келтирган гаплари бўлмаганда Валиевнинг гулшанида кўрганларимдан, эшитганларимдан ҳеч қандай маъно чиқариб ололмасдим эҳтимол...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ФРОНТДАН ХАТ КЕЛДИ...

АЖАБЛАНМАНГ. Бу хат кеча эмас ёки ўн йил аввал эмас, балки бундан эллик йил бурун таҳририятимизга келган экан. Уни ёзган одам ҳам бугун дунёдан ўтиб кетган. Бу бир тарих, унутиб бўлармиди!

Хатни битган кишининг номини эшитганлар орамизда кўпчилик бўлса керак. Билмасангиз билиб қўйинг: Аширмат НАЗАРОВ. Ўзбек тилида кўп шеърлар, асарлар ёзган. Асли Тожикистоннинг Нов туманидан. Шоир Назарматнинг акаси. Тирик бўлганларида саксонга кирган бўларди. Бугунги қутлуғ кунларда номларини бир эслаб қўйсак савоби тегар...

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОН»

РЕДАКЦИЯСИГА ХАТ

1943 йил 11 март.

...Мен хизмат қилаётган қисм жангчилари ҳужум пайтларида жуда кўп ботирлик ва мардлик намуналарини кўрсатдилар. Шулар ҳақида ёзиб юбораяпман.

Бизда Ҳожи Бобоев деган фарғоналик пулемётчи йигит бор. У душман билан тўла бўлган бир қишлоққа бостириб кириб, бир уйга пистирма қуриб олиб, шу ердан туриб 300 фашистни ўлдирди. Немислар уни ҳеч нарса қила олмагач, у турган уйга ўт қўйдилар, у ёнаётган уйда туриб курашни давом эттирди ва уй билан бирга ёниб ҳалок бўлди. Аммо, душманга бош эгмади. Биз қишлоқни олгач, унинг жасадини топдик ва атрофида 300 мурда ётганини кўрдик. Унинг овозаси бутун фронт бўйлаб кетди, у ёшлар учун ботирлик намунаси бўлиб қолди. Халқимиз фарзандларининг бундай қаҳрамонлик намуналарини ёзган билан адо бўлмайди. Мен ҳаммасини сизга етказмоқчиман. Аммо ҳозирча заруррроқ ишлар кўп. Зотан мен: «Даҳшатли жангларда титраган киши лаънатла кўмилсин, у ўзбек эмас» — деган сўзларни шу йигитлардан эшитгандим.

Бир қаттиқ жангда қатнашиб, ўнг оёғимдан яradор бўлдим (ўқ тегди), аммо касалхонага бормасдан сафда юриб даволандим. Ҳозир тузалиб кетдим. Яна бир жангда ҳал қилувчи роль ўйнаганим учун мени қўмондонлик «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотлашга ёзиб юборди. Олсам, суратга тушиб, хотира учун сизга юбораман.

Сиз газетангизда район маркази Волова ҳамда Косторное шаҳри билан темир йўл узелининг олинишини ёзиб чиқаргандирсизлар. Ана шу ерларнинг озод қилинишида мен ва менинг дўстларимнинг хизмати бор. Биз ҳар куни сизлардан узоқлашиб, тиззадан қор кечиб Ғарбга томон — ғалабага яқинлашиб бормоқдамиз.

Мен билан бирга бўлган ўзбек йигитлари ўзбекнинг мағрур номини оловдан, вабодан сақлаб, зўр дарёлардан шараф билан олиб ўтмоқдалар. Мен уларнинг номини Сизга ва сизлар орқали ўзбек халқига етказиш учун уйқунинг баҳридан кечаман ва тирик эканман, қўлимдан келган хизматни аямайман...

АШИРМАТ.

ҲИСОБЧИ МИЛЛИОНЕР БЎЛМОҚЧИ

Биринчи таассурот алдамчи бўлади, дейишади. Омонбой акани дастлаб кўрганимда димоғдор киши бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўтганди. Аксинча, у киши билан ҳамсуҳбат бўлиб, дилкаш, ўктам инсон эканлигини билдим.

Омонбой Аҳатов деганлари хўжаликнинг «катталаридан». Жарқўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг бош ҳисобчиси. Ўзининг айтишича, салкам 10 йил шу соҳада ишлаётган бўлса, устидан йигирма беш марта юқори ташкилотларга «юмалоқ» хат ёзишган.

— Ҳисоблаб кўрсам, мени ўртача ҳар йили икки бутун ўндан беш марта текширишибди, — дейди кулиб Омонбой ака. — Бир ҳисобда, шундай «ёзувчилар»нинг борлиги ҳам яхши экан. Ҳушёр бўлишга ҳаракат қиласан. Кимда камчилик йўқ дейсиз. Айтишадику, беайб парвардигор, деб. Шукр, ҳозирча ишлаб юрибмиз.

Очиғи молга қарашни яхши кўраман. Ҳар доим оғилхонада тўрт ҳўкиз боғлиқ туради. Ундан ташқари 70 га яқин қўй ҳам бўлади. Ем-хашак масаласида нолийдиган жойимиз йўқ. Насиб қилса, фермер бўламан. Ўн гектар ерни ажратиб беришадиган бўлди. Ҳозирча йилнинг ҳар чорагида икки тонна атрофида гўшт топширяпмиз. Сарф-харажатдан ортгани ўзимизга.

Тирикчилик экан, идорадаги ишларни битириб, уйга келгач, мол-ҳол билан ўралашиб қоламан. Чалпак осмондан тушмайди-ку, тўғрими? Меҳнат қилсангиз насибали бўласиз. Шунинг орқасидан бола-чақани боқасиз, рўзғорни тебратасиз. Айни кунларда қишга емиш тўплаш ташвиши билан юрибман. Омадимизни берса, миллионер бўлиб кетаман...

Унинг очиқ, дангал гаплари шерикларимга ҳам ёқди. Ҳа, Омонбой акадек тадбиркорлар бор бўлсин.

Ш. Рашидов районидаги Узоқов номли ширкатлар уюшмаси деҳқонлари ғўза баргини тўктириш ишларини якунлашди. Куни кеча бу ерда «зангори кема»лар далаларга олиб чиқилди. Айниқса Баҳром Тўраев раислик қилаётган 6-ширкат деҳқонлари бу борада пешқадам. Улар 360 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил кўтариш учун ҳаракат қилишаётир.

Айни пайтда бу ерда уруғлик пахта йиғиштириб олинмоқда. Бу борада илғор теримчилар Озода Саидқулова, Насиба Сандмуродова, Ҳамида Яхшиева ва бошқалар кўпчиликка ибрат бўлишяпти. Уларнинг ҳар бири хирмонга 100—120 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқдалар. Яқин келажакда «пўлат этак»лардан тўкилган «оқ олтин» хўжалик хирмонини юксалтириши турган гап.

Суратда: илғор теримчилардан Озода Саидқулова, Насиба Сандмуродова, ширкатлар уюшмаси раиси Бозорбой Қаюмов ва теримчи Ҳамида Яхшиева.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ГАЗЕТА ТАХЛАМЛАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА...

ЎТИН МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ?

Қозоғистон ва иттифоқ трестлари ўртасида музокаралар узоқ бўлди. Бу йил Тошкентда саксовул ва кўмир ташиб келтириш кечикмоқда. Чунки октябрь ойида темир йўл вагонлари пахта, ғалла ташиш билан банд.

Ноябрь—декабрь ойларида ўтин-кўмир келтириш ва мактаб ва интернатларда ўтин-кўмир танқислиги ташвиш бўлмоқда.

ТУТЗОРЛАР КЎПАЯДИ

Туркшелк ҳиссалик ширкати бу йил 5 минг гектар ерга тут кўчатлари ўтказишга қарор қилди. Шундан 3 минг гектари Ўзбекистон жумҳуриятига тўғри келади. Туркшелк ширкати тутзорларни кенгайтириш келажакда пиллачиликни ривожлантириш ишига катта таъсир этишини кўзлаган.

ҚОРАДАРЁДА КАТТА ТОШҚИН

Зарафшон округининг Қорадарё районида кўп ёмғир ёғиши туфайли дарё суви кўпайиб кетиб, анча майдонлардаги экинларни сув босди. Сув хўжалиги идораси ходимларининг беғамлиги сабабли 140 таноб ердаги экин нобуд бўлди.

Район ижрокомининг раҳбарлари умумхалқ ҳашари ташкил қилиб, деҳқонларга ёрдам беришни ҳанузгача ўйламаётирлар.

ЧОЙХОНАДА РАДИО

Қашқадарё округининг Шаҳрисабз районидаги яҳудийлар маҳалласидаги чойхонада турли хил бурчаклар ва тўгараклар ташкил қилинди. Турли матбуот хабарлари чойхўрларга ўқиб берилмоқда. Бу ишларга махсус агитаторлар жалб этилган. Маҳалла аҳли илтимосига кўра район ижроком чойхона учун радио олиб берди. Маҳалла аҳли турли хил ашулалар эшитиб, ахборотлар тинглаб ижрокомга раҳмат айтишмоқда.

УИҒУРЛАРНИНГ ТАЛАБЛАРИ ИЖРО ҚИЛИНСИН

Бухоро, ўз мухбиримиздан. Бухоро округида 300 га яқин уйғур яшайди. Буларнинг кўпи ошпаз ва ҳунармандлардир. Уйғурларни кўпчилиги ҳозир ишсиз. Уйғурлар округ ижроқомига илтимос қилиб, ҳунармандчилик артели ва ошхоналар очиб бериб иш билан таъминлашни сўраган эдилар. Уларнинг бу илтимослари ҳанузгача қондирилмаётир. «Қизил Ўзбекистон» газетаси 1929 йил 27 ва 28-июль сонларидан.

Нашрга тайёрловчилар

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Ю. ЗИЁДОВ.

ЯНГИЛИКЛАР БОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

● **Англиянинг «Таймс» газетаси Геллап тадқиқотлар институтининг жамоатчилик фикри сўрови натижаларини эълон қилди.**

Маълум бўлишича, америкаликларнинг 48 фоизи АҚШ ҳарбий кучлари Сомалини тарк этиши керак, деб ҳисоблайди. 26 фоиз аҳоли эса ҳарбийларнинг босқичма-босқич олиб чиқиб кетилиши тарафдори. Сўралганларнинг фақат 18 фоизигина ушбу Африка мамлакатида ҳарбий кучларнинг кўпайтирилишини маъқулламоқда.

УРУШ ҚУРБОНЛАРИ

● **Москва шаҳар ҳокимлиги матбуот марказининг маълумотларига қараганда, 3—4 октябрь кунлари давлат тўнтаришига уриниш чоғида 108 киши ҳалок бўлган.**

Фуқаролардан 553 киши тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган, улардан 437 нафари касалхонага ётқизилган. Жабрдийдалардан 50 кишига эса амбулатория ҳизмати кўрсатилган. 79 киши яраланган туфайли вафот этди.

ТАЙГАДА ТОПИЛГАН САМОЛЁТ

● **Россия учувчилари Уссурия тайгасида иккинчи жаҳон уруши давридаги ДБ—3 совет бомбардимончи самолётини топишди.**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, самолётни тезда учадиган ҳолга келтириш мумкин. У Япония билан бўлган урушда иштирок этган. Ушбу турдаги самолётлар 1945 йилда Берлинни бомбардимон қилган эди.

БОЛҚОН МОЖАРОСИ БОШЛАНМАСА ЭДИ

● **Америка Қўшма Штатлари ва айрим Ғарб давлатларининг қўллаб-қувватлаши натижасида Греция ва Туркия қуролланишга зўр бермоқда.**

Бу икки давлатнинг узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган рақобати охир-оқибат Болқон можаросини келтириб чиқармаса эди, дея хавотир билдиради, Франция ахборот маҳкамаси.

БМТ ҚАРОРИНИ ЎЗГАРТИРДИ

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Сомалидаги махсус вакили адмирал Жонатан Хуа генерал Айдидни жазолаш қарори ўзгарганини айтди.**

Бироқ, уни қамаш ҳақидаги ҳукм ўз кучида қолади. Сомали Миллий иттифоқи гуруҳининг раҳбари генерал Айдид Могадишога тинчликни таъминлаш учун юборилган аскарлардан 50 нафарини ўлдирганликда айбланмоқда. Генерал ҳали қўлга олингани йўқ.

ЛИТВАНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИ

● **Литванинг ташқи қарзи кўпайиб бормоқда. Йил охиригача у 600 миллион долларни ташкил этади. Молия вазири Эудардас Вилькялис парламентда шу ҳақда ахборот берди.**

Вазир жумладан, парламентга Германиянинг тижорат банкидан давлат электр-энергия тармоғи таъминоти учун олинган қарзни тўлаш йўллари ҳақидаги қонун лойиҳасини ҳам тақдим этди.

ХИТОЙ ЯДРО СИНОВИНИ ЎТКАЗДИ

● **Хитой ғарб давлатларининг кучли тазйиқига қарамасдан ядро синовларини ўтказди.**

ХХРнинг бу хатти-ҳаракати ядро синовларини ўтказмаслик ҳақидаги шартномаларга хилофдир. Уни имзолаган бошқа давлатлар эндиликда хавфсираб қолдилар. Хитойнинг бу ўзбошимчалиги Пекин ва Вашингтон ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келмоқда, деб хабар беради, «Дейли Телеграф» ахборот маҳкамаси.

АҚШ КОНГРЕССИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФИКРИ

● **АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг ташқи ишлар бўйича комитети палатанинг барча аъзоларига Россия билан «Дўстлик қонун лойиҳаси»ни тасдиқлашни тавсия этди.**

Бу ҳужжат «совуқ уруш» йилларида Россия ва бошқа собиқ Совет Республикаларига нисбатан савдо-иқтисодий чеклашлар белгиланган федерал актлар ва қарорларни бекор қилишни кўзда тутади.

Шу куни комитет аъзолари вакиллар палатасига Жанубий Африка Республикасига нисбатан иқтисодий чораларни бекор қилиш ва Б. Клинтон маъмуриятининг Фаластин Озодлик ташкилоти билан расмий муносабатларни қайтадан бошлашига ижозат бериш ҳақидаги қонун лойиҳаларини тасдиқлашни ҳам тавсия этди.

НАТО БОШ КОТИБИНИНГ БАЁНОТИ

● **НАТО Бош котиби М. Вернер Нью-Йоркда «Шимолий Атлантика блоки Россияни узоқ муддатли ҳамкорликка таклиф этишини ва бундан буён уни ўз иттифоқчиси деб ҳисоблашини» айтди.**

«Умид қиламизки, деди у, — вақт ўтиши билан ҳамкорлигимиз фақат тажриба алмашиш билан чекланиб қолмай, балки ҳарбий тайёргарлик, машқларни режалаштириш ва бирга ўтказиш борасидаги амалий ҳаракатларда ҳам ўз ифодасини топади».

ТЕРРОРЧИЛАР СЎРОҚ ҚИЛИНМОҚДА

● **Машинадаги номаълум ёш йигит кечаси Токио полицияси кўз ўнгида Бош вазир Морихиро Хосокава қароргоҳи девори яқинига келиб ичкарига иккита ёниб турган портловчи моддани итқитди. Бу вақтда Бош вазир қароргоҳда йўқ эди. Ёниб турган модда майсазорга тушди ва ўчиб қолди. У портлашга улгурмади ҳам.**

Полиция террорчини дарҳол қўлга олди. У 25 ёшлик Синъити Соганэ бўлиб, ўта ўнглар гуруҳига мансуб экан. Якинда бу ташкилот аъзолари Борис Ельциннинг Японияга расмий ташрифига норозилик белгиси сифатида Россиянинг Токиодаги элчихонасига нисбатан ҳам худди шундай ҳаракатни амалга оширган эди. Бу ҳодисадан кейин Япония раҳбарияти Россия Президентининг сафари чоғида унинг хавфсизлигини таъминлаш учун 10 минг нафар полициячи ва махсус хизмат вакиллари ажратилганини эълон қилди. Ҳозир Россия элчихонасини полициянинг кучайтирилган гуруҳи қўриқлаб турибди. Террорчилик ҳаракатлари айбдорлари сўроқ қилинмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР БОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

• БОҚИЙ ШАЖАРА

БАҚТРИЯ: милоддан аввалги биринчи минг йиллик

(ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА)

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида (Ахамонийлар тажовузига қадар) минтақада яна бир давлат бирлиги — Бақтрия мавжуд бўлган. Мазкур давлат шу номдаги жуғрофий вилоят (макон), вилоят эса Бақтр (Балхоб) дарёси номи билан боғлиқ. Бақтриянинг пойтахт шаҳри Бақтр ҳам худди шундай боғлиқликда. Юнон тарихчилари бу ҳақда шундай ёзиб қолдирганлар: «Унинг (Бақтр дарёсининг—А. З.) номи билан шаҳар ва вилоят (ҳам) аталади» (Квинт Курций Руф, милоддан аввалги I аср—милодий I аср):(Зариаспа)шаҳри кейинчалик дарё номи билан Бақтр деб аталган» (Плиний, I аср) Бақтрия жуғрофий чегарасини жанубда Ҳиндикуш Парнасс, Папопамис), шимолда Сўғдиёна, ғарбда эса Марғиёна (Мурғоб воҳаси)гача белгилаш мумкин.

«Овесто»да (милоддан аввалги VIII—VII асрлар) Бақтрия (Бахди) «байроқлари (доим) баланд ҳилпираб турадиган», яъни шон-шавкат ўлкаси сифатида тилга олинади.

Қадимги Бақтрияни бошқарган сиёсий сулолалар тўғрисида ҳозирча узил-кесил хулоса қилиш қийин. Шу билан бирга бу борадаги мавжуд маълумотлардан бақтриялик ҳукмдорлар, уларнинг қуч-қудрати ўз замонасида машҳур ва маъруф бўлганлигини билиб олиш мумкин. Чунончи, юнонлик Ктесий (милоддан аввалги V—IV асрлар) осуриялик подшоҳ Нин Белиднинг Бақтрияга ҳарбий юриши ҳақида сўзлаб, Нин бақтриялик аёл Семирамидага уйланганини айтади Ниннинг Бақтрияга қарши кейинги юришида Семирамида ҳам қатнашган ва улар Бақтрия подшоҳи Оксиарт билан обдон урушганлар. Бақтриянинг ўша замондаги мавқеини шундан ҳам билиш мумкинки, гўё Нин ва Семирамида Бақтрияга бир миллион 700 минг пиёда, 210 минг отлиқ, 10 мингдан ортиқ жанг аравасидан иборат лашкар бошчилигида келган эканлар. Бақтр шаҳри забт этилгандан кейин эса у ердаги хазинадан кўплаб олтин ва кумуш осуриялиқлар қўлига тушган экан. Милоддан аввалги сўнгги аср — милодий I асрларда яшаган Помпей Трог Ниннинг Бақтрияга бориши ҳақида нақл қилар экан, бақтриялиқлар подшоҳи Зардўшт (Зороастр) бўлган дейди. Хуллас, Бақтрия давлатининг энг қадимги даврларида ҳукмронлик қилган сулолалар хусусида аниқ маълумотлардан кўра ривоятлар кўп.

Аҳамонийлар — Бақтрия илк муносабатлари тўғрисида ҳам маълумотлар етарли даражада, деб бўлмайди. Ктесий Куруш II (Кайхисрав, Кир) ва бақтриялиқлар ўртасида содир бўлган тўқнашувда бирон-бир томон устун келгани йўқ, ўзаро келишувга биноан бақтриялиқлар Аҳамонийлар ҳукмдорини тан олганлар, деб хабар беради. Доро I (милоддан аввалги 522—486) даврга келиб эса Бақтрия қатъий равишда Аҳамонийлар қўл остидаги мулклар қаторида санаб ўтилади. Доро Бақтрияга ўз нойби қилиб форс Дадаршишни тайинлаган.

Геродот (милоддан аввалги V аср) қизиқ бир маълумот қолдирган. Куруш ва унинг ўғли Кўмбиз (Камбиз) ҳукмронлик йилларида уларга қарам ерлардан бирон-бир муайян солиқ олинмаган. Бироқ тобе мулклардан уларга совға-саломлар юбориб турилган. Доронн форслар савдогар дейишларига сабаб, деб ёзади Геродот, у биринчи бўлиб солиқ тизимини жорий этган. Ҳақиқатан Доро қўл остидаги ҳар бир мамлакат ва вилоят йилига катта миқдорда тайинли солиқ тўлаб турган. Хусусан, Аҳамонийларга тобе округлардан ўн олтинчисига кирган «бақтриялиқлардан эгларгача (Хўжанд атрофида яшаган қабила (?) бўлган ҳудуд» йилига 360 талант тўлаб туриши керак бўлган. Аҳамонийлар йиллик солиқлардан ташқари бошқа йўллар орқали ҳам тобе халқлар чўнтагини қоқиб келганликлари маълум. Ўша Геродот ёзишича, қақраб ётган далаларни суғориш учун деҳқонлар Аҳамоний ҳукмдорлар саройига бориб сув йўлини тўсиб турган ва табиий равишда доимо қўриқланиб турилади-ган тўғон дарвозаларини очиб юборишни сўраб нола қилар эканлар. Шунда ҳукмдор тўғонни очишга фармон бераркан. «Ўзим эшитганман ва биламан ҳамки, у (яъни — ҳукмдор — А. З.) тўғонни катта пул эвазига очган, (йиллик) солиқ бундан мустасно» деб гувоҳлик беради Геродот. Умуман олганда Аҳамонийлар тобе ўлкалар аҳолиси, бойликларини талашда, сунистеъмол қилишда бошқа тажовузкорлардан қолишмаганлар. Чунончи, қадимда Элам давлати пойтахти бўлган, Аҳамонийлар қароргоҳларидан бўлмиш Суза шаҳридаги сарой қурилишида ишлатилган олтин Бақтриядан олиб кетилганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор.

Тажовузкорларнинг маҳаллий халқларга нисбатан тазйиқи ўз-ўзидан аҳолини исён кўтаришга ундаган. Шундай катта озодлик ҳаракатларидан бири Аҳамоний Артаксеркс I (милоддан аввалги 465—424) даврда рўй берган. Бунинг натижасида Бақтрия оз муддатга бўлса-да қарамлик кишанини улоқтириб ташлашга эришган. Аҳамонийлар қўшини ва бақтрияликлар ўртасида бўлиб ўтган жангларда гоҳ у томон, гоҳ бу томон устунликка эришиб турган. Охири бақтрияликлар енгилганлар ва яна қарамлик ҳолига тушиб қолганлар. Бақтрияликларнинг Аҳамонийларга муносабатини Квинт Курций Руфнинг қуйидаги гувоҳликларидан ҳам билиб олиш мумкин: «бақтрияликлар ғоятда эпчил, табиати қатиққўл, форсларнинг дабдабасию эркатойлигини хуш кўрмайдиганлардан».

Бақтриянинг Аҳамонийларга қарамлиги то Искандар босқинига қадар давом этди. Қизиғи шундаки, ал-Жазирада (Месопатамия) юнонликлардан катта талофат кўрган Доро III (милоддан аввалги 336—330) Бақтриядаги ўз нойби ва қариндоши Бесс сотқинлиги туфайли ҳалок бўлади. Бесс ва бошқалар мағлуб Доронн ҳибсга олиб аёллар тушган аравага соладилар ва Бақтрия томон чекина бошлайдилар. Бундан хабар топган Искандар 500 отлиқ билан уларни қувишга тушади. Тахминан Парфиянинг шарқий ҳудудларида Искандар қочоқларни қувиб етганида, улар Доронн қаттиқ яралаб ўзлари жуфтакни уриб қоладилар. Оғир яралар Доронинг аҳволи шу қадар бўлганки, то Искандар унинг тепасига келгунча жон берган. Искандар ўз рақиби мурдасини ватанига олиб бориб подшоҳона равишда марҳум аҳамоний ҳукмдорлар қаторига дафн этишни буюради (Аррийан, милодий I—II асрлар). Шундан сўнг Искандар Бақтриянинг жанубий сарҳадларидан нарида жойлашган ерларни бўйсундиришга киришади. Афтидан у бақтрияликларни ҳар томондан яккаламасдан туриб уларга қарши юриш мақсадга мувофиқ эмаслигини яхши тушунган. Ҳақиқатан бу ерларни ўзига тобе этган Искандар Гирканияга (жанубий-ғарбий Туркманистон), у ердан эса Парфия орқали Бақтрия томон йўлга тушади. Бу вақтда Бесс бақтрияликлар, суғдийлар ва минтақанинг юнонликлар тасарруфига тушмаган бошқа аҳолисининг навбатдаги тажовузкор домида қолишни истамасликларини суиистеъмол қилиб, уларни ўз атрофида жамлаган ва Артаксеркс номи-ла ўзини Осиё подшоҳи деб эълон қилганди.

Чамаси бу вақтда унинг ёнида бўлган сўғдлик Спитамен ва Оксиартлар Искандар босқинини даф этишда Бессни қўллаб-қувватлаб (чунки Бесс қўл остида кўплаб форс аскарлари ҳам бор эди), шу тариқа Сўғдиёна даҳлсизлигини сақлаб қолмоқчи бўлганлар. Фикримизча Бесс тарафдорлари бўлиб турган 7000 бақтриялик ва уларнинг сардорлари ҳам шу илинжда ҳаракат қилганлар. Сабаби шу дамда минтақа учун энг хавфли Искандар эди. Бесснинг субутсизлик ва сотқинлик феъли бақтрияликлар ва сўғдиёналиклар учун аён бўлгани шубҳасиз.

Искандарнинг Бақтрия ерига қадам қўйганини эшитиши билан Бесс Амударёни (Окс) кечиб Сўғдиёна томон қочади (таҳминан Қашқадарё воҳасига). Юнон аскарлари Бақтриянинг қатор шаҳарлари, жумладан Бақтрни ҳам ишғол этадилар. Шу тарзда Бақтрия Искандар тасарруфига тушади. Бақтрияликларнинг содиқона хизмат қилишларига ишонмаганидами Искандар Бақтрияга ноиб этиб форс Артабазни тайинлайди. Бақтрияликларнинг ҳақиқатан ҳам келгиндилар билан тинч-тотув яшай олмасликларини тасдиқловчи маълумотларни биз юнон тарихчилари гувоҳлигида кўришимиз мумкин. Чунончи, Аррийан ёзишича, Спитамен Сўғдиёнада юнонликлар тинкасини қуритиб партизан ҳаракатларини олиб бораётган бир пайтда бақтрияликлар ҳам қўзғолон кўтара бошлайдилар. Искандар уларни бостиришни буюради. Кўп ўтмай (милоддан аввалги 328-йили) Спитамен массагет отлиқлари ҳамроҳлигида яна Бақтрияда пайдо бўлади, пойтахт Зариаспни (Бақтр) эгаллашга ҳаракат ҳам қилади. Аммо номаълум сабабларга кўра бу шаштидан қайтади. Кези келганда шуни айтиш керакки, Искандарга қарши курашган қаҳрамонлар ҳақида сўз кетганда одатда Спитамен, Тўмарис кабилар номи кўпроқ тилга олинади. Ваҳолонки, минтақа мустақиллиги учун жон берганлар, қаҳрамонлар, йўлбошчилар бир талай бўлган. Масалан, Аррийан тасдиқлашича Бақтрия шимолидаги Паратекана (Бойсунтоғ, Кўҳитангтоғ доиралари) вилояти Спитамен қўзғолони бостирилгандан кейин ҳам тинчимаган. Бу ерда Катан ва Австан исмли курашчилар бош кўтарганлар. Искандар уларга қарши ўзининг энг ишончли лашкарбошиларидан Кратерни юборади. Аррийан нақл қилишича, «улар билан жанг шафқатсиз бўлган». Катан ҳалок бўлади, Австан эса асир олиниб, Искандар ҳузурига жўнатилади. Мазкур воқеа милоддан аввалги 327-йили рўй берган. Шу сананинг кеч баҳорида Искандар Ҳиндистон юришини бошлайди.

Аммо бақтрияликларнинг тажовузкорларга қарши курашлари сўнмайди. Бунга оид билвосита маълумотлар юнон тарихчилари асарларида кўзга ташланади. Чунончи, милоддан аввалги 325-йили ўлкада Искандарнинг ўлими хусусида миш-миш тарқалади. Афтидан ўз ватанидан узоқда, бақтрияликлар қаршилигидан силласи қуриган юнонликлар, асосан ҳарбийлардан 3000 киши пойтахт Бақтрни ўзқўлларига оладилар ва бақтрияликлар ёрдамида ўзларига бошчи тайинлаб Юнонистонга қайтишга тараддудга тушадилар. Аммо етиб келган жазо қисмлар бунга чек қўяди. Худди шунга ўхшаш воқеа милоддан аввалги 323-йили Искандарнинг энди ҳақиқатан ҳам ажали етгани тўғрисидаги хабар келганда содир бўлган. Ўшанда Бақтрия ва Сўғдиёнадаги юнонликлардан 20000 пиёда ва 3000 отлиқ бирлашиб ўз ватанларига қараб йўлга тушганлар. Ўлкадаги мавқеини йўқотишдан ва бу ҳаракат бошқаларга ҳам ўрнак бўлишидан чўчиган Искандар ворислари уларга қарши қўшин юбориб исёнкор сифатида битта қўймай қириб ташлайдилар.

Искандар ўлимидан сўнг ҳокимият учун кураш авжига чиққани маълум. Дастлаб Бобилни (милоддан аввалги 312-йил), сўнг Бақтрия ва Сўғдиёнани ҳам қўлга киритган Искандар лашкарбошиларидан ҳисобланмиш Салавк Салавкийлар сулоласига асос солади. Салавкийлар ўзларига тобе ўлкаларда ғоят қаттиққўллик сиёсатини олиб борганлар. Агар Искандар қарам ерлардаги аҳолига нисбатан муросасозлик йўли билан ҳам сиёсат юргизган бўлса, Салавкийлар аксинча маҳаллий аҳолини, унинг маданиятини умуман инкор этиш, ноибларни фақат юнонликлар орасидан тайинлаш, маҳаллий бошқарувда кўплаб ҳарбий истеҳкомлар, иншоотлар қуриб ҳарбий куч орқали аҳолини бўйсундириб туриш тадбирларига зўр берганлар. Юнон тарихчилари Бақтрияни «минг шаҳар ўлкаси» деб бежиз таърифламаганлар. Мазкур таъкид Бақтриядаги шаҳарлар ўрнини билдиради, шаҳар ҳаёти билан боғлиқ, тамом муносабатлар аҳволидан далолат беради. Ҳақиқатан, бу вақтда Бақтр Термиз каби шаҳарларда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривож топган. Чунончи, ҳунармандлар олтин, кумуш, қўрғошин, қалайи, мис, бронзадан, турли буюмлар, зебу зийнатлар тайёрлаганлар. Тўқувчилик, кўнчилик, қуролсозлик каби ҳунарлар ҳам равнақда бўлган.

Бақтрияда пул муносабатлари пухта йўлга қўйилган. Масалан, Бақтрия ҳукмдорлари зарб этган олтин, кумуш, мис, никел танга намуналарининг Хоразм, Сўғдиёна, Фарғонадан топилиши ҳам савдо-сотиқ муносабатлари даражасидан ҳам пулнинг қадр-қимматидан далолат беради. Минтақадан ташқаридаги Хитой, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатлар билан ҳам савдо-сотиқ фаол олиб борилган.

Бақтрияликларнинг деҳқончилик ва чорвачиликдаги тажрибалари мақтаса арзигулик бўлган. Юнон, хитой манбаларида ёзилишича, бу ерда дончилик, шоличилик, полизчилик, узумчилик, мевачилик яхши ривожланиб келган. Бақтрияликлар қазилма бойликларни қайта ишлашда пухта бўлганликлари ҳам маълум. Масалан, Бақтрияда олтин қайта ишланган. Пул зарб этишда ишлатилган никел ҳам худди шу ердан чиққан бўлса ажаб эмас, деб, фикрловчилар ҳам бор. Агар келажакда бу фикрни тасдиқловчи ашёвий далиллар топилса, у ҳолда европаликлар таъкидлаганидек, никел XIX асрда улар томонидан ихтиро этилмай, аксинча энг қадимги даврдаёқ, Марказий Осиё халқлари хитойликлар сингари никелни қайта ишлашни уддалай олганлар.

Юнонлар ҳукмронлик қилган даврда Бақтрия расмий тили юнон тили ҳисобланган. Шу билан бирга оромий, асли Панжобда юзага келган карошти ёзувлари ҳам муомалада бўлгани маълум.

Фан соҳасидаги ютуқлар ҳам диққатга сазовордир. (физика, математика, астрономия, фалсафа). Бақтрияликлар маданий ҳаётида мусиқанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам бўлса керак мусиқа асбобларининг тури хилма-хил бўлган.. Турли маросимлар, байрамлар, саройдаги тадбирларда уд, най, ноғора, чилтор (арфа), бурғу, камонча билан чалинадиган асбоблардан истифода этилган.

Археологлар изланишлари натижасига кўра, қадимги Бақтрияда ҳайкалтарошлик, сураткашлик, наққошлик каби соҳалар ҳам ўз даври учун юксак савияда бўлган.

Бақтрия маънавий ҳаёти тўғрисида гапирадиган бўлсак, аҳоли турли динларга сиғинган. Қадимдан эъзозланиб келинадиган зардуштийлик, Анахита, Митра худолари билан бирга аҳоли орасида будга, юнонларнинг Зевс, Афина, Аполлон, Херакл каби худоларига интилиш ҳоллари ҳам табиий ҳисобланган. Турли эътиқодга тегишли диний муассасалар қуриб борилган.

Тахминан милоддан аввалги II аср 30-йилларида Бақтрия юнонликлар бошқарувидан батамом қутилади. Шимолдан кириб келган қабилалар ҳарбий кучи зарби остида қулаган юнонликлар ҳокимияти ўрнида тоҳарлар ҳукмронлигидаги янги давлат бирлиги Тоҳаристон барпо бўлади.

Азамат ЗИЁ,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

• ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚУТЛУҒ ПОЙҚАДАМ

Хўш, истиқлол биз, зоолог олимларга нима берди! Ҳеч кимга сир эмаски, собиқ Иттифоқ даврида муаммо ва дастурлар марказдан буюртма сифатида туширилардн. Истиқлолга эришилгандан сўнг, бутунлай бошқача бўлди. Жамики илмий ишлар, республика миқёсида ечими зарур бўлган устивор йўналишлар биринчи навбатда ҳал қилинмоқда.

Жумладан, академиянинг зоология, ботаника, тупроқшунос агрохимия, олий илмгоҳлари, ботаника боғи «Тупроқ қатлами, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш, ҳимоя қилиш ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги» номли ягона устивор йўналиш дастурида қатнашади.

Мазкур дастурга кўра Ўзбекистон ҳудудида бирламчи табиий шароитдаги ҳайвонлар таркиби, тузилишини аниқлаш, уни таҳлил қилиш ва кам учрайдиган турларни сақлаб қолишдаги асосий кўрсаткичларни аниқлаш борасида илмий ишлар давом эттирилади. Дастурдаги амалий аҳамиятга эга йўналишлар бўйича эса одам ва ҳайвонлар танасида кушандалик қилиб яшовчи турлар йиғиндиси организмларнинг асосий популяция (битта турнинг ҳар хил мингқаларда яшашга мослашиши) таркибини, тараққиёт даврларини аниқлаш ва илмий асосда уларнинг сонини бошқариш ечими ҳал қилинади. Ўсимликларга, қурилиш материалларига кучли зарар етказувчи зараркунанда ва фойдали ҳашаротлар таркиби, ҳаёти, яшаш тарзларини ўрганиш, фойдали кушанда турларини кўпайтириш, зарарли турларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқилади. Ўзбекистоннинг дарё, сув ҳавзаларида балиқларнинг шаклланиш қонунияти ва сувдаги бир ҳужайрали жонзотларни ҳисоблаш каби муаммолар ўрганилди.

Маълумки, бу йил Ўзбекистон Фанлар академиясига ташкил топганлигига эллик йил тўлади. Академия таркибида биринчилар қаторида зоология ва паразитология илмгоҳи ташкил қилинганди. Кувончлиси шундаки, илмгоҳимиз қошидаги физиология ва микробиология бўлимлари ҳозир мустақил институт сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Марказий Осиёда зоология фанини ривожлантиришда кўп йиллар хизмат қилиб, илмий йўналиш мактабини яратган устозларимиз — академик Т. Зоҳидов, А. Муҳамадиев, мухбир аъзолардан Р. Олимжонов, М. Султонов, В. Яхонтов каби жаҳонга танилган олимларимизни ҳурмат билан тилга оламиз.

Кейинги пайтларда институтимизда анча янгиликлар яратилди. Жумладан, республика ҳудудида тарқалган умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонларнинг тарқалиши, ҳаёти, яшаш тарзлари, ҳатти-ҳаракати, нодир ва кам учрайдиган турларни ҳимоя қилиш, зарар етказувчи турларга экологик тоза кураш усулларини ишлаб чиқиш мақсадида янги бўлимлар ташкил қилинди. Мазкур бўлимга тажрибахона ва кичик гуруҳларда ишловчи олимлар бирлаштирилиб, долзарб муаммолар устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси биология бўлими қошида биринчи бўлиб Ўзбекистон энтомологлар жамияти (Ўз ЭЖ) ташкил қилинди. Бу жамиятнинг асосий мақсади, республикада энтомология фани ютуқларини янада тараққий эттиришда олим ва ишлаб чиқариш ходимларини жалб этиш, фан янгиликларини ўзимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғибот қилиш, энтомология соҳасида илмий атамаларни тартибга келтириш каби муаммоларни ҳаётга татбиқ қилишдан иборатдир. Энтомологлар қишлоқ хўжалигида кўпчиликни ташкил қилади. Улар мутахассис сифатида жамиятимизга керакли ва муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ишларни амалга оширмоқдалар. Паҳта, ғалла, озиқ-овқат, боғдорчилик ва яна кўп соҳаларда зараркунандаларга қарши курашиб, бизнинг ризқ-рўзимизни сақлаб қолишда ёрдам бермоқдалар.

Институтимизда яна бир янгилик бор. Мустақил республикада илк бор зоологлар маркази ташкил қилинмоқда. Ҳозирги пайтда республикамизнинг жамики бурчакларида ишлаб турган зоолог олимлар рўйхати тўлиқ аниқланди. Бу марказни ташкил этишдан мақсад, аввало давлатимиз қандай зоологлар имкониятига эга эканлигини аниқлаш, қолаверса, мавжуд имкониятдан қандай муаммоларни ечишга қодир эканлигимизни билиш ва ниҳоят илмий-тадқиқот ишларини биргаликда олиб боришдир.

Кейинги пайтларда институтимиз олимларининг хорижий тараққий этган давлатлар билан илмий алоқаларини мустаҳкамлаш имконияти яратилди. Жумладан, Олмония, Америка, Хитой, Ҳиндистон, Оврупо ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликда ишлаш дастурларини тузмоқдамиз. Шубҳасиз, тараққий этган хорижий давлатлар олимлари билан ҳамкорликда илмий иш олиб бориш бу бозор иқтисодиётига, ҳозирги замон давр талабига тўғри келади ва яхши самаралар беради, деган умиддамиз.

Истиқлолнинг яна бир шарофати шундан иборатки, ўтган йилдан бошлаб илмгоҳимизда зоология соҳасида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш махсус илмий кенгаш ишлаб туриби. Биргина институтимиз мисолида баён қилинган бундай кўрсаткичлар, шубҳасиз, мустақилликнинг шарофатидир.

Норқўзи ЭРГАШЕВ,
Зоология олий илмгоҳи тупроқ зоология ва биозарарланиш тажрибахонаси мудири, биология фанлари номзоди.

ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДА ЗАВОД

● Чироқчи тумани хўжаликлари энди ўзлари етиштирган мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишловдан ўтказиш учун Шаҳрисабзга олиб бормайдиган бўлдилар. Ҳ. Олимжон номли жамоа ширкат хўжалигида консерва заводининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Йилига уч миллионта шартли банка консерва тайёрланади. Йил охиригача завод тўлиқ фойдаланишга топширилади.

247-кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари барпо этаётган мазкур корхона вилоятда Шаҳрисабз консерва заводидан кейин қувват жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Заводда юз киши меҳнат қилаётир. Корхона тўлиқ ишга тушгач, унда қарийб 600 киши меҳнат қилиш имконига эга бўлади.

К. МУСАЕВ,



Сурхондарё мамлакатимиздаги иқлими субтропик ҳудудлардан ҳисобланади. Эндиликда бу ерда лимон, мандарин, апельсин, унаби ва ҳатто Мексиканинг какхоба деган ўсимлиги ҳам яхши ҳосил беряпти. Академик Р. Шредер номли Бандихон боғдорчилик ва узумчилик тажриба хўжалиги айни шу субтропик ўсимлик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Ҳозир хўжаликда иш қизғин. Тайёр маҳсулот ҳўл мева ҳолида, қуритилиб пешмапеш истеъмолчиларга жўнатиляпти.

СУРАТДА: тажриба хўжалиги боғбони Холмат Ҳайитов сифатли қуритиб олинган унаби маҳсулотини яшикларга жойламоқда.

М. МЕРГАНОВ олган сурат.

• Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ. КЕЙИН-ЧИ?

ЕКИ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ЖАРАЁНИДА ПАЙДО БЎЛАЁТГАН ГАП-СЎЗЛАР ХУСУСИДА

Одатда жамиятдаги жараёнларга фуқароларнинг ҳаммаси ҳам бир хил нуқтаи назар билан ёндошмайди. Сабаби — албатта моддий манфаатдорлик. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш кетаётган пайтда ҳам шундай бўлаяпти. Қўли, ниятн қинғир кимсалар ва уларнинг ҳомийлари аҳоли ўртасида бу ишга ишончсизлик уйғотишга интилса оддий кишилар бойваччаларнинг, зўравонларнинг пайтавасига қурт тушганлигидан хурсанд. Фақат бу тадбирнинг тўхтаб қолмаслигини исташади...

ЎҚ КИМГА АТАЛГАН ЭКАН?

— Жиноятчиликка қарши кураш тўхтамайди! — деди қатъият билан Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Т. А. Тўхтаев. — Чунки халқнинг қийналиши, изтироб эвазига «қўлини иситаётган» шахслар ўзларини ҳар қанча панага олмасинлар, қинғир ишнинг қийиғи чиқаверади.

Янги маълумотномага кўз югуртирамиз.

Илгари судланган С. исмли кимса Жомбой нефть маҳсулотлари идорасида оператор бўлиб ишлайди. Унинг уйидан тинтув вақтида 10 грамм наша, 10 грамм қора дори, 10 грамм кўкнори, кичик калибрли милтиқ, 70 та жанговар ўқ, Францияда чиқарилган кўзни ачиштирадиган газ балончa чиқди. Ҳайронмиз. У, бу ўқларни кимга атаган экан?

1962 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган А. Ю. ҳам Жомбойда туради. Унинг уйидан қўлбола қилич, сигнал берувчи тўппонча, ов милтиғи, 500 грамм кўкнори, оқдарёлик О. уйидан эса кичик калибрли милтиқ, жанговар ўқ ва 10 грамм наша топилди.

ЭҲ, МУАЛЛИМ, МУАЛЛИМ...

Аслида ўқитувчи болаларга илм бериш билан бирга уларни одамийликка, инсоф, диёнатга ўргатади. Лекин биз номларини айтмоқчи бўлган кишилар дарсда ёшларга нима ҳақида гапиргани номаълум. Чунки қилган ишлари ўқитувчиликнинг доирасига сиғмайди.

Алқисса, Каттақўрғон туманидаги мактаб муаллими Н. уйида спиртли ичимлик тайёрлайдиган ускуна ўрнатиб олган ва мунтазам равишда арақ-коньяк ясаб сотган. Жойлардан турли ёрлиқлар, шиша қопқоқлари топиб келган.

Қўшработдаги мактаб ўқитувчиси. 1961 йилда туғилган Н. эса читни яхши кўрар экан. У «Озодлик» кичик корхонасидан арзон чит олиб, устига қўшиб-пуллаб, фойда кўриб келган. Текширувчилар унинг уйидан 7.170 метр чит топишди. Ишқилиб, Н нинг ўқувчилари «Одобнома» дарсида зерикишмайдиган бўлишди. Дарвоқе, яхшиям халқимизда «Мулланинг қилганини эмас, айтганини қил,» деган нақл бор...

ҚУРЪОНГА ТИЛ ТЕККИЗМАНГ...

Р. Н. Самарқанд туманидаги Фотима Қосимова номли жамоа хўжалиги ҳудудида яшаб, Самарқанддаги 128-автобазада ишлаб келган. У автокорхонага тегишли «Москвич» машинасида 3593 та, жами қиймати 1,5 миллион сўм бўлган Қуръон китобини олиб кетаётганда қўлга тушди. 58 ёшли ҳайдовчи эҳтимол рўза тутар, номоз ўқир, лекин бу юкни қаерга, нима учун олиб бораяпсиз, деган саволга ҳозирча жавоб берган эмас.

Эҳтимол, отаҳон эзгулик қилиш мақсадида танишбилишларига Қуръони Каримни бепул тарқатмоқчи бўлгандир. Ишқилиб, ҳудонинг ўзи кечирсин...

ЮЛҒИЧЛИКНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Кўчада ҳар хил гаплар кўпайиб қолди.

— Милиция дегани катта-катта жиноятлар қолиб, савдодаги майда камчиликларга ёпишиб олди.

— Савдодаги қўли қинғир кимсалар ҳали ҳам топганини ўзини назорат қилувчи орган ходимлари билан «баҳам» кўриб юрипти...

— Текшир-текшир жонга тегди. Экспедиторларимиз юк олиб келишга бормай қўйишди.

Хуллас, ана шунақа гаплар...

— Албатта, олдингиздан оқиб турган ариқни боғлашса алам қилади, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси штаби бошлиғи Н. Жаводов. — Иқтисодий инқироз ва нарх-навонинг тезтез ўзгариб туришидан савдодаги қўли қинғир кимсалар усталик билан фойдаландилар. Кечагина дўконга ишга келган болакайлар ҳам босар-тусарини билмай қолишди. Қолаверса, уюшган жиноятчилар гуруҳларини пулдорлар, савдо ходимлари моддий таъминлаб туришган. Бу фактлар кўп ўтмай айтилади.

Н. Жаводов берган маълумотномага кўз югуртирар эканмиз, савдодаги «майда камчиликлар» унча ҳам майда эмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Мисол учун Боғибаланд матлубот жамиятига қарашли 46-дўкон мудири Тоҳир Носиров харидордан 3.625 сўм уриб қолган. «Зарафшон» акционерлик тижорат бирлашмаси 9-дўкон сотувчиси 20 ёшли Равшан Баҳриддинов эса 808 сўмга ўз фойдасига «адашган».

Ҳайронмиз, ҳовли ва уйларида яшириб қўйган миллионлаб сўмлик товарларни савдо ходимлари қандай изоҳлашаркин? Ҳозирнинг ўзида Самарқандда бир хил маҳсулот турли дўконларда турлича нарх билан сотилмоқда. Жомбой туман матлубот жамияти раисининг ўринбосари Б. Болтаев шахсий ҳовлисига 6.696 та электр лампочкаси, 23.520 қути гугурт, Нарпайдаги дўкон мудири М. Тўхлиев уйида 6 тонна гуруч, И. Қурбонов 145 халта биринчи нав уни, 480 килограмм пахта ёғини, Пайариқ тайёрлов идораси тайёрловчиси Н. Сулаймонов 11 тонна гуручни «қора кун»лар учун ғамлаб қўйишган экан. Хўш, айтингчи, инсонийликнинг қайси қоидасига тўғри келади бу ҳаракат?!

ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТАДИ

Кейинги ойларда ўтказилган тадбирлар туфайли одамларда ҳукумат сиёсатига ишонч пайдо бўлди. Халқнинг ўзи жиноятчиликка қарши курашда иштирок этмоқда. Аммо ҳали ҳам кўпчиликда бу иш илгариги каби тўхтаб қолмасмикан, ниятн қинғир кимсалар яна бош кўтариб қолмасмикан, деган ҳадик бор. Биз шу савол билан вилоят ички ишлар тергов бўлимининг бошлиғи Қодирқул Бобоқуловга мурожаат қилдик.

— Халқнинг кўнгли тўқ бўлсин, — деди у киши. — Жиноятчиликка қарши кураш босқичма-босқич давом этаверади. Шуни айтиш керакки, уюшган жиноятчилик ҳамиша атрофга томир отади. Шу боис тергов давомида унинг янги қирралари очилаверади. Одамлар ишнинг баъзи чўзилишини нотўғри тушунмасликлари керак.

Умуман, икки ойда тергов бўлими 357 та жиноий ишни тугатиб айблов фикри билан судга ўтказди. Шунинг 14 таси қасддан одам ўлдириш, 112 таси давлат ва шахсий мулкни ўғирлаш билан боғлиқ. Бор-йўғи 6 таси савдодаги ғавғоларга тегишли.

Жиноятчи ушланди. Тергов ҳам қилинди, судга ўтказилди. Бу ёғига энди қозиларга худо инсоф берсин!

Фармон ТОШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚУЛИ КИР СОВУНЧИЛАР

Қаттақўрғонлик А. Умаров ва О. Қўзиевлар ҳам бир жойда яшаб, бир корхонада меҳнат қилишади. Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг совун цехи шуларга ишхона.

Бўзчи белбоққа ёлчимайди, деганларидек ўзимиз совун ишлаб чиқарсагу, ундан кор-ҳолимизга ишлата олмасак ,бу қандай гап, дейишди улар. Шу хом-хаёлни амалга оширишга роса тайёрланишди. Қулинг ўргилсин режа поёнига етай деб ҳам қолган эдики, бирдан ишлар чаппасига айланиб кетди. Яъни, улар 93 минг 377 сўмлик, 747 дона совунни корхонадан олиб чиқиб кетаётганларида қўлга тушиб қолдилар.

Ушбу жиноий ҳолат юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

ИККИ ОМБОР ЭГАСИ

Х. Солиев Сайхуноободдек туманнинг умумий овқатланиш корхонасида омбор мудири. Шу масканнинг шахсан бўлмасада расман эгаси.

Бу расмий хўжайинлик унинг қорнини тўйдирсада, кўзини тўйдирмади. У шахсий омбор очиш ва унга ҳам мудирлик қилишни истаб қолди шекилли, ушбу режани амалга оширишга астойдил киришиб кетди.

Бироқ у чучварани хом санагандай, режани ҳам пишиқ тузмабди. Шу боис, дон маҳсулотлари корхонасидан олинган 750 минг сўмлик, жами 10 тонна унни Сайхуноободдаги омборга келтирмасдан Бахт шаҳридаги таниши Э. Ҳакимовнинг ҳовлисига тушираётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга тушди. Энди у амалга ошмаган орзуси юзасидан тергов беришга мажбур.

МИСНИНГ «МИСИ» ЧИҚДИ

Т. Ҳамидов қоровулларга бригадир. Тошкент вилояти Қибрай тумани Салор қўрғонида жойлашган республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги базасининг бир неча қоровулига «катта».

У шу «катта»лигидан ҳам унумли фойдаланмоқчи бўлди. Ўзининг тилини тушунадиган қоровул К. Алиев билан тил бириктириб давлатнинг 1,5 миллион сўмдан ортиқ 5,5 тоннадан кўпроқ мисини ўғирлаганликлари учун қўлга олиндилар.

Мис операциясининг «миси» чиқиб қолганидан сўнг ушбу ҳолат бўйича текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Ш. РЎЗИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

• *Орқадошлар мамлакатида*

ЎН КУНЛИК ҲАЙРАТ

Яқинда таниқли ёзувчимиз Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил ЁҚУБОВ Туркияда ўтган Ўзбекистон маданияти кунларида иштирок этиб қайтди. Мухбиримиз ёзувчи билан учрашиб, Туркия сафари ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилди. Қуйида шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Одил ака, биз Туркияда ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари ҳақида газетхонларимизга ахборот бериб бордик. Санъаткорларимиз турк томошабинларининг жуда катта олқишларига сазовор бўлганларидан муштарийларимиз бохабарлар. Шунинг учун Сиз адабиётимизнинг Туркиядаги мавқеи тўғрисида гапириб берсангиз.

— Ҳақиқатан, ҳозир Туркияда ўзбек адабиётига қизиқиш катта. Жамоатчилик бу мамлакатда яқин 6—7 ойда адабиётимизнинг 4 та йирик асари чоп этилганидан бохабарлар. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», оқсоқол ёзувчимиз Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» романлари ва камнанинг икки асари («Улуғбек хазинаси» ва «Кўҳна дунё») чоп этилган. Туркияга борганимда шу нарса маълум бўлдики, машҳур турк адиби ва таржимони Ахсан Ботур яна икки асарни: Пиримқул Қодировнинг «Бобур» романи ва менинг «Адолат мезони» деган янги асаримни таржима қилиб тугатибди. Унинг айтишича бу икки асар ҳам яқин келажакда нашрдан чиқажак.

— Яқинда Ўзбекистон жамоатчилиги Ахсан Ботурни Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофотига тавсия қилган эди. Демак, бу иш тўғри бўлган экан-да?

— Ўйлайманки, тўғри бўлган. Чунки А. Ботурнинг келгуси режалари ҳам жуда катта. Навбатда адабиётимиз классикларидан бири Ойбекнинг «Навоий» романи турибди. Ахсан Ботур Миркарим Осим, Мирмуҳсин, Ҳайриддин Султонларнинг тарихий асарлари билан танишаётганини, шунингдек, қатор ёш ёзувчиларнинг китобларини ҳам ўқиб чиққанини, бу асарлар унда яхши таассуротлар қолдирганлигини мароқ билан гапириб берди. (Бунга қадар Мамадали Маҳмудовнинг «Ўлмас қоялар» романи ҳам таржима қилинганини эътироф этмоқ даркор).

— Шеърият билан қизиқар эканми Ахсан оға?

— Мен ҳам унга бу саволни бердим. Туркияда улуғ боболаримиз Навоий ва Хожа Аҳмад Яссавий асарлари жуда машҳур. Лекин минг афсуски, ҳозирги шеъриятимиз Турк китобхонлари орасида биздагидек маълум ва машҳур эмас. Эркин Воҳидовнинг шеърий китобини ҳисобга олмаганда бошқа шоирларимизнинг асарлари деярли таржима қилинмаган. Мен «Туркия» газетаси ходимлари билан қилган суҳбатимда (бу газета Туркияда жуда машҳур) шеъриятимиз ва унинг истеъдодли намояндалари тўғрисида батафсил гапириб бердим. Шоир, шеъриятимиз билан қизиқадиган Аҳсан Ботурга ўхшаган таржимонлар чиқиб қолса.

— Турк китобхонлари кўпроқ тарихий асарлар билан қизиқар эканлар-да?

— Ҳа, Туркияда тарихий асарларнинг мавқеи замонавий асарларга нисбатан баланд. Чунки улар тариҳимизнинг бир эканлигига амин. Улар буюк аждодларимиз Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Али Қушчи, Бобурни бизнинг ҳам боболаримиз деб ҳисоблайдилар ва улар ҳақида кўпроқ билишни истайдилар. Турк тилига биринчи навбатда тарихий асарларимизнинг таржима қилиниши ҳам шундан.

— Сиз Абдулла Қодирийнинг хотирасига бағишланган маросимда буюк ёзувчимизнинг «Ўтган кунлар» романи Туркияда нашр қилинибгина қолмасдан, балки уни турк газеталари ҳам бобма-боб босаётгани тўғрисида гапирдингиз. Шу ҳақда ҳам газетхонларимизга гапириб берсангиз.

— Ҳа, мени Туркияда энг қувонтирган ва ҳатто лол қолдирган нарса ҳам шу бўлди. Иккита йирик турк газетаси миллий романчилигимиз асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва оқсоқол адибимиз Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» асарини 2 ой давомида бобма-боб босаётган экан. «Ўтган кунлар»ни чоп этиш ҳамон давом этмоқда. Газетанинг биринчи сонида Қодирийнинг романи нашр этилганидан кейин бошқа ҳорижий мамлакатларда ҳам бу китобларга қизиқа бошлаганлар. Ўйлайманки, бундай бўлиши табиий. Сабаби турк халқи катта халқ, улуғ халқ. Турк тилини биладиган кишилар бошқа мамлакатларда ҳам жуда кўп. Яқин кунларда Туркияда «Навоий», «Бобур», «Кеча ва Кундуз» видеофильмлари намойиш қилиниши кутилаётир. Улуғбек ва Али Қушчига ҳам қизиқиш жуда катта.

— Демак, сиз учун маданият кунлари қувончли воқеаларга бой бўпти-да?

— Назаримда, бу ҳодиса фақат мен учун эмас, балки адабиётимиз ва санъатимиз муваффақиятидан севинадиган ҳар бир адиб ва санъаткор, ҳар бир зиёли учун қувончли ҳодисадир.

— Эсингизда қолган яна қандай яхши гаплар бор?

— Яхши гаплар кўп. Биз бу юртда бўлганимизда Туркия ҳақиқатан ҳам буюк давлат эканлигининг шоҳиди бўлдик. Турк халқи ҳақли равишда жаҳонда энг илғор халқлар қаторидан ўрин эгаллаганини кўрдик. Турклар ниҳоятда истеъдодли ва меҳнатсевар миллат, у ўз ақли-заковати билан мисли кўрилмаган кўркам шаҳарлар барпо қилган. Моҳир турк устолари ва муҳандислари пешона терлари билан, ақл-идроки билан бунёд қилинган осмонўпар бинолар, масжиду мадрасалар, «Боинг»ларга тенг келадиган самолётлар, «МЕРСЕДЕС»лардан қолишмайдиган енгил машиналар, узунлиги бир неча километр бўғоз ва кўприкларни кўриб, турк халқининг салоҳияти ва бунёдкорлигига тан бердик. Мени яна бир қувонтирган нарса, улар бизга жуда хайрихоҳ, улар бизни ҳамма жойларда ўз қавми-қариндошларини кутиб олгандай очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Бор топган-тутганларини дастурхонларга тўкиб, меҳмон қилишди, самимий суҳбат қуришди.


— Одил ака, Туркияда ўзбек қишлоғи бор экан. Бу қишлоқда, тўғрироғи, овулда Сибирдан кўчиб келган ўзбеклар яшар экан. Бу қамақа ўзбеклар? Ўзбеклар бўлса нега ўзларини Сибирь ўзбеклари дейишади?

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам Сибирга ўрта Осиёдан кўчиб борган ўзбеклар кўп бўлган. Биз кўрган овулдаги ўзбекларнинг ота-боболари тақдири азалнинг ўйинлари сабаб, бири тижорат ишлари билан, бири Сибирь халқларига динимизни тарғиб қилиш нияти билан, яна бири бошқа сабабларга кўра Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси ва бошқа жойлардан 17—18 асрларда кўчиб бориб, ўша ерларда истиқомат қилиб қолишган экан. Улар кўпроқ Сибирь татарлари билан мулоқотда бўлганлари учун татар шевасида гаплашадилар, кийимлари, хусусан қиз-жувонларнинг кийимлари ҳам татар қиз-жувонларининг кийимига ўхшайди. Лекин ўзларини асл ўзбеклар деб ҳисоблашади.

— Улар Сибирдан Туркияга қандай бориб қолишган?

— Бунга ҳаётнинг ғалати ўйинлари сабаб. Бу ўзбекларнинг Сибирдан Туркияга бориб қолишига 19-асрнинг охирида Россияда бошланган нотинчлик сабаб бўлган. Уларнинг боболари ақлли одамлар экан. Улар 19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошларида рус революциясининг совуқ шабадасини сезиб қолишган, бола-чақалари олиб, турк халқидан паноҳ истаб йўлга чиқишган. Нега ўз юртларига қайтишмаган, дейишингиз мумкин. Шунинг учун қайтишмаганки, асл маконлари бўлмиш Ўрта Осиё ҳам империя қўлида эканлиги, бешафқат инқилоб Бухорою, Самарқандга ҳам етиб келишини яхши англашган.

Овул кишилари бизни ўз қариндош-уруғларидек чексиз қувонч билан қаршн олишди. Бирга рақсларга тушдик. Улар бизни уйларига таклиф қилишди. Кўрпачаларда ёнбошлаб, арпа ва жўхори гўжа ичдик. Палов, манти, чучвара қилиб беришди. Хуллас, бир неча соат худди ўзбек хонадонларида меҳмон бўлгандек сездик ўзимизни. Шахсан мен учун энг қувончли нарса шу бўлдики, камина бу овулда Фозил Бухорали деган жуда самимий, оққўнгил бир инсон билан танишиб қолдим. Фозил Бухоралининг боболари 1750 йилларда Бухородан Сибирга бориб қолишган экан. Ҳозир Фозилбек буюк Жалолиддин Румий (Яратган эгам унга жаннатдан жой ато қилган) шаҳри—Куняда яшар экан. Унинг чоғроқ бўлса ҳам бутун бир аҳлини сут, қаймоқ, қатиқ, сузма ва сариёғ билан таъмин этишга қодир заводчаси бор экан. Фозилбек Куня шаҳрида иккита туркий лицей очиб, уларга катта ёрдам бераётганини хайрия жамоасининг энг фаол аъзоларидан бири экан. Фозилбек мени қўярда-қўймай ўша жамоага олиб борди. Жамоа раҳбарлари ва аъзолари билан учрашдим. Суҳбатимиз салкам уч соат давом этди. Саволлар ёмғирдек ёғилди. Уларни айниқса, Мустақил Ўзбекистонимиз истиқлоли ва келажаги, Президентимиз Ислом Каримовнинг истиқлолимиз йўлида олиб бораётган савобли ишлари, республикамизнинг иқтисодий аҳволи, дин эркинлиги, маданиятимиз ва маърифатимиз ютуқлари жуда қизиқтирар экан. Мен уларнинг саволларига батафсил жавоб беришга ҳаракат қилдим. Жамоа аъзоларининг кўплари ишбилармонлар бўлгани учун мен уларни юртимизга таклиф қилдим. Элимизга келиб кўшма корхоналар очиш, умуман, ишимизга ёрдам беришларини илтимос қилдим. Самарқандда яна бир лицей очишларини маслаҳат бердим. Улар бу масалани жиддий ўйлаб кўришни ваъда қилишди. Хуллас, яхши гаплар кўп бўлди...





ЎТТИЗ КУН ҚАТОРДА

Юртнинг келажаги бўлмиш зиёлиларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиши жуда муҳим. Шундай экан, олий ўқув юртларининг кўпчилигида ҳарбий кафедралар мавжуд. Юрт фуқароси ҳар қачон эл тинчлиги ва осойишталиги борасида тайёр турмоғи керак. Самарқанд Давлат дорилфунуни битирувчи курс талабаларининг ҳарбий билимдан бир ойлик ўқувлари жанговарлик руҳида ўтди. Бўлажак ўқитувчи, олим ва ёзувчилар ҳар хил турдаги ўқотар қуроллардан фойдаланиш қондаларидан сабоқ олдилар, амалий машғулотларда қатнашдилар. Бир ойлик ҳарбий тайёргарлик кунларида талабалар жанговар ҳарбий тартиб қондалари билан обдон танишдилар. Бугун эса имтиҳон. СамДУнинг битирувчи курсига қадам қўйган бу талабалар синовларни муваффақиятли топшириб зобитлик унвонини олдилар.

Суратларда: 1. Филология факультети толиби Р. Очилов ва полковник Чапев гранатамётдан отиш машғулотида. 2. Талабалар имтиҳон топширишяпти.

Д. ҒОФУРОВ олган суратлар.

• *Спорт*

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Мустақиллик совриии учун кураш якунланди



СУРАТДА: халқаро мусобақа ғолиблари.

Тошкентдаги «Алпомиш» спорт саройида илк марта ташкил этилган «Мустақиллик кубоги» учун боксчилар халқаро мусобақаси мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

— Соврин учун кураш янада қизғин ва шиддатли тус олиши мумкин эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси спорт комитетининг бокс бўйича бош мутахассиси Мирсолиқ Соғатов.— Баъзи мусобақага таклиф қилинган кўпгина мамлакатлардан вакиллар етиб келиша олмади. Бунга бир томондан Москвада юз берган ноҳуш воқеалар, қолаверса, яна бир неча кундан кейин Эронда бошланадиган Осиё чемпионати сабаб бўлди. Лекин, халқаро мусобақада биз мамлакатимиз боксчиларининг имкониятларини кўздан кечирдик.

Мусобақанинг финал учрашувлари эса кўтаринки руҳда ўтди. Хусусан, 48 килограммгача вазнли боксчилар баҳсида икки вакилимиз ўзаро рўбарў бўлди. Бунда Жамшид Ҳайитовнинг қўли баланд келиб, ғолиблик суппасига кўтарилди. 51 килограммгача вазнли боксчилар учрашуви ҳам қизиқарли ўтди. Тожикистонлик Рустамхўжа Раҳимов билан таниқли боксчимиз Ҳикматулла Аҳмедовнинг ўзаро «жанги» ҳакамлар томонидан боксчимиз фойдасига 4:1 ҳисобида баҳоланди. 54 килограмм вазнли спортчилардан Ўзбекистонлик Ўйғун Сидиқов билан Матвей Чекунов (Россия) учрашуви муросасиз баҳсга айланди. Афсуски, меҳмон имкониятни бой берди.

Боксчиларимиздан Маҳамадқодир Абдуллаев билан Нурғали Абдураимов учрашувида Абдуллаевни қўли баланд келди. Садир Тошматов бошқирдистонлик Ҳайдар Галяўхни мағлубиятга учратди. Қолган вазнларда ҳам боксчиларимиз бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Жумладан, Фарҳод Бакиров ўзининг жами ғалабаларини 145 тага етказган бўлса, Наримон Отаев бу рақамни 179 та қилиб олди. Дилшод Ёрбеков эса қирғизистонлик Д. Шунин билан баҳсда муддатдан олдин ғалабага эришди. Самарқандлик Панарнинлар сулоласининг вакили Роман ёш бўлишига қарамай, жами ғалабаларини 87 тага етказди. Алишер Аваэбоев эса, ўзининг 81 ғалабасини нишонлади. Оғир вазнли яна бир вакилимиз Олег Маскаевга финалда рақиб бўлмагани учун ғолиблик суппасига бевосита кўтарилди.

Шундай қилиб, халқаро мусобақада жамоа ҳисобида Ўзбекистон боксчилари биллур совринни қўлга киритишди. Россия ва Қирғизистон боксчиларига 2 ва 3-ўринлар насиб этди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

● ШАТРАНЖ ОЛАМИДА

«ТОШБАҚА ТУХУМИГА ТИКИЛГАНДАЙ»

Халқаро шахмат федерацияси ФИДЕ тасдиқлаган Низомга биноан Голландияда бошланган Карпов — Тимман матчининг иккинчи ярми Уммон мамлакатига кўчирилиши кўзда тутилган эди. Бироқ ноҳуш хабар тарқалди: осиёлик мутасаддилар иштирокчиларга тўланадиган маблағ топилмаганлиги важидан зиммага олган вазифани адо этолмасликларини айтдилар. Наҳотки, шундай бой мамлакатда атиги бир миллион франк топилмаган бўлса... Йўқ, сабаби бошқа жойда. Чамаси бу матч Лондонда ўтаётган Каспаров —Шорт баҳси соясида қолиб, хира тортаётгандай кўринади. Аслида унчалик эмас.

Матч гоҳ Францияда, гоҳ Голландиянинг ўзида давом эттирилиши хабар қилиб турилса-да, иш сира қовушмади. Ғазабга келган Карпов билан Тимман ҳатто ФИДЕни судга беражакларини айтдилар. Флоренсио Кампоманес ўзининг ўн йилдан ортиқ президентлик фаолиятида биринчи бор шундай ноқулай вазиятга тушиб қолди. Лекин тажрибали ҳуқуқшунос ва йирик арбоб бунинг ҳам йўлини топди. Баҳснинг иккинчи ярми 16 октябрда Индонезия пойтахти Жакартада бошланадиган бўлди.

Бундан илҳомланган Яң Тимман йирик телеграф агентликлари мухбирларига матч ҳисобидаги фарқни йўқотибгина қолмай, охири баҳсда ғалаба қилажагини айтди. Ўйналган партияларни батафсил таҳлил қилиш уни шу қарорга олиб келибди. Аммо шахматда таҳлил бошқаю, махсус соат миллари бетўхтов олға силжиб юракка ғулғула солиб турган пайтда ҳисоб-китобни қойилмақом қилиш бошқа. Ҳа, муҳим қарорга келиш борасида Карпов ҳам қўлни қовуштириб ўтирмаса керак. Индонезияда ҳозир баҳор. Баҳснинг тафти эса осиёликлар кутганидан баландроқ, бўлса ажабмас. Ҳозирча ҳисоб 7:5. Карпов фойдасига.

Ўтган бир ҳафта давомида Лондон матчининг иштирокчилари яна уч учрашув ўтказдилар. Мафтункорлик жиҳатлари булар ҳам олдингиларидан қолишмаса-да, якунда ҳам Шорт учун кўнгилга хуш келувчи бирон-бир воқеа ёки ҳодиса юз бермади. Ҳамюртлари буни нечоғли диққат ва бетоқатлик билан кутсаларда ниятлари рўёбга чиқмаяпти. Ўн учинчиси дуранг бўлгач, кейингисида тож талабгори муайян устун вазиятни қўлга киритди. Мухлислар бу сафар ниҳоят ўзгариш бўлишини кутиб, тошбақа тухумига тикилгандек ўтирардилар. Аммо тўрт соатлик қизғин кураш 39-юришга борганда тағин дуранг билан якунланди. Буниси устма-уст юзага келган зўрма-зўраки бешинчи битим эди.

Умид ўн бешинчидан бўлиб қолди. Начора?

Бироқ ўзгариш ясаш навбати яна шахмат оламининг фармонбардоридан бўлди. Каспаровнинг олтинчи ғалабаси ҳисобни унинг фойдасига 10,5:4,5 га етказди. Чемпионлик унвонини сақлаб қолиш учун у қолган тўққиз учрашувда атиги 2,5 очко олса бас. Аслида эса бунинг учун тўртбеш партия кифоя қилса керак.

Ёш тож талабгори ихтиёрида энди биттагина йўл қолди: ўтган ишга саловат, деб кескинлик барпо қилишнинг қалтис усулларидан ҳам фойдаланиш керак.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

ҚИЗИҚ ГАПЛАР

БМТ ВАКИЛИНИ АКУЛА ЕБ ЮБОРДИ

Сомалида акулалар ҳужуми натижасида бу мамлакатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликсевар кучлари таркибида юрган Россия фуқароси ҳалок бўлди. У БМТнинг ҳарбий хизматчиларини аэропортдан Могадишодаги мустаҳкамланган шаҳарчага ташувчи вертолёт экипажининг аъзоси эди.

Фожеа тинчликсевар кучлар аъзолари вақти-вақти билан дам олиб турадиган пойтахт пляжларининг бирида содир бўлди. Акула қирғоқ яқинидан туриб, одамга ҳужум қилганида, учувчини қутқариб қолишнинг иложи бўлмади.

Бу Могадишода одамларга ҳужум қилиб турадиган океаннинг қонхўр маҳлуқлари билан юз берган биринчи ҳодиса эмас.

ЁЗУВЧИНИНГ ҲАЁТИ ХАВФ ОСТИДА

Истанбул судида Мехмет Али Шадоглу иши кўриб чиқилмоқда. Бу киши Туркия матбуотий орқали ёзувчи Азиз Несинни ўлдириб берадиган кимсага 250 минг доллар мукофот беришини ваъда қилган. Жаҳонга «Футбол қироли» романи билан машҳур бўлган бу ҳажвчи ёзувчининг айби, Шодоглунинг фикрича, ёзувчи Салман Рушдийнинг «Сатанин шеърлари» мажароли китобини таржима қилиб, Туркияда нашр эттирганлигидадир.

МУЗЛАТГИЧДАН ҚАЙТИБ ЧИҚИШДИ

Америкининг Лейк-Сити шаҳрида 1971 йилда бошланган ноёб тажриба муваффақиятсиз тугади. Ўша пайтда ўн икки бадавлат кишилар ўз хоҳишларига кўра музлатиб қўйилган эдилар. Улар бундай ҳолатда йигирма биринчи асрнинг ўрталарига қадар муз уйқусида бўлишлари лозим эди. Лекин шу йилнинг ёзида техника носозлиги натижасида температура тартибини сақлаб турувчи ускуналар ўчиб қолди. Барча ўн икки музлатилган киши «эриб» ва ўз уйларига, қариндош-уруғлари бағрига қайтиб келишди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ҚУРОЛИ

Рудногорск ҳокимияти маҳаллий милиция қуролланган резина дубинкаларни дудланган сервелат колбасасига алмаштириш ҳақидаги қарор қабул қилди. Бундай колбасалар эгилувчанлиги ва чидамлилиги билан резинали калтаклардан қолишмас экан. Лекин бу «дубинкалар» енгил ва оғир тан жароҳати келтирмайди. Ҳар бир милиция ходими ойига бир марта ана шундай колбаса олиб турибди. Ҳокимиятнинг фикрича, бундай усул янги кадрларни милиция сафларига кўпроқ жалб этишга имкон берар эмиш.

ТОМДА БАЛИҚ БОҚИЛАДИ

«Жилпроект» институтида архитектура тарихида янги даврни бошлаб берадиган 16 қаватли янги уй-жой биноси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу уйнинг томи ҳовуз шаклида бўлиб, унга сув тўлдирилади ва балиқлар боқиш учун фойдаланилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бундай уйда истиқомат қилувчилар арзон тирик балиқ билан доимо таъминланади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси қимматлашиб бораётган бир пайтда бундай усул қўл келса ажаб эмас.

ЭНГ БАҲАЙБАТ АЭРОБУС

Ғарбий Европа самолётсозлари ва Американинг «Боинг» фирмаси билан ҳамкорликда жаҳонда энг баҳайбат аэробусларни яратиш мумкинлигини ўрганиб чиқдилар. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай аэробусда 600—800 йўловчи учун ўрин бўлади. Бундай самолётнинг баҳоси 25 миллиард доллар. Унинг 15 миллиарди самолёт қоматига, 10 миллиарди эса кучланиш қурилмаларига сарфланади.

«Эрбасс индастрий»да эълон қилинишича, энг улкан аэробуснинг лойиҳасини яратишга 1997 йилда киришилади, 2002 йилда эса самолёт парвозга чиқарилади. Экспертларнинг фикрича бундай улкан самолётларнинг қуввати 400 машина ўрнини босади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИ — 12 Х соат 17.00 да **«Афандининг беш хотини»**, 13 Х. соат 17.00 да **«Алдаганн хотин яхши»**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚИЙ ТЕАТРИ — 13 Х. соат 18.00 да **«Кампир кетармиш»**.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ДРАМА ТЕАТРИ — 12 Х. соат 17.30 да **«Малика»**.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Тошкент театрлари дастури билан фақат «Ўзбекистон овози» газетасида мунтазам танишишингиз мумкин.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● Бухоронинг сўнгги амири ёки Саид Музаффар Олимхоннинг фарзандлари тақдири ҳамда унинг олтинлари ҳақида.

● Самарқандни Искандар бино қилганми?

● Туҳмат балоси (фельетон).

● «Кеча» бору, «Кундуз» йўқ.

● Хавфли хасталик (врач огоҳлантиради).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Халқаро Д. А. Қўнаев жамғармасининг Ўзбекистон Республикасидаги бўлими бошқарув раисининг ўринбосари

Турсун-Мурод Умарович УМАРОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг қариндош уруғларига таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоалари фирқа фахрийси, республика даврий матбуоти ноширлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Турсун-Мурод Умарович УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси мусаҳҳиҳ Турсуной Зиёдовага қизи

АРОФАТнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН


Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Термизда — 2-23-01; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—583. № 187 топширилди — 01.30.
Навбатчилар: И. СУЛАЙМОНОВ, Р. АҲМАДАЛИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.